# Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 1997 йил 25 ноябр | 46 (127)-сон


## АЛОҚА ВА ҲАМКОРЛИКЛАР ЯНГИ ПОҒОНАГА КЎТАРИЛАДИ

### ПРЕЗИДЕНТ КАРИМОВ: ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИМИЗ, БУГУНГИ ҲАЁТИМИЗ, КЕЛАЖАГИМИЗ МУШТАРАК

Замон шарҳлари

Туркияга ноябрнинг иккинчи ярмида расмий сафар билан борган Ўзбекистон Республикаси вакилларини самимий кутларкан, президент Сулаймон Демирэл президент Каримовга қарата: ДЎСТИМ, ҚАРДОШИМ» — деб мурожаат қилди. Ўзбекистон раҳбари ўз жавоб сўзларида Туркия президентини. ҚАРДОШИМ, ОҒАМ» — деб эъзозлади.

Мана шу икки-уч сўз замирида бутун Ўзбекистон ва Туркия, ўзбек ва турк халқлари ўртасидаги муносабатларнинг теран мазмуни, маъноси ифодаланган. Ўртада ётлик йўқ. Ўртада бегоналик йўқ. Хавфсираш, ҳадиксираш йўқ. Турли сиёсий шубҳаларнинг умонларида сартосар сузишлар йўқ. Шу сўзлар замирида икки халқ ўртасидаги азалий ишонч, имон, муҳаббат, томирдошлик мужассам. Мамлакатларимиз бир-бирларини яхши англайдилар, яхши тушунадилар. Бир-бирларининг эҳтиёж, талаб ва муаммоларини узоқ тушунтиришлар, изоҳларсиз ҳам ҳар томонлама тўла тасаввур қиладилар. Шундай тушуниш фақат қардошлар, азал томирдошлар орасидагина бўлиши мумкин. Илк мустақилликка эришган, қувонч ҳамда ташвишларга тўла кунларимизда Туркия ва унинг халқи бизга биринчи бўлиб бағрини очди. Дунёга бағри очиқлик сиёсатини намойиш қилди. Туркиядан эсган бу шамол жаҳонга тез ёйилди. Бугун Ўзбекистон юзларча дунё ўлкалари билан дипломатик, савдо-тижорат, иқтисодий-маданий алоқалар ўрнатди. Туркия бизга қардош бағрини очганда Ўзбекистон қадим удумларни эслаб, эъзозлаб дарҳол унга бағирдошлик билан жавоб берди. Ўртада шу қисқа, лекин ғоятда мазмундор тарихий вақт ичида қанчадан қанча қўшма корхоналар бунёд бўлди, қанчадан қанча маърифий-маданий алоқалар ҳаракатга тушди. Қанчадан қанча софдил одамлар ҳамкорликларимизни дунёда мавжуд цивилизация даражасида олиб бориш, ривожлантириш учун тер тўкдилар. Буларнинг ҳаммасини ҳатто санаб адо қилиш қийин. Шуларни назарда тутиб бўлса керак, Президент Каримов туркиядаги илк учрашувларнинг бирида катта диққат-эътиборга молик сўз айтиб, тарихий илдизларимизгина эмас, бугунги ҳаётимиз ва келажагимиз муштарак эканлигини эслатди. Туркия билан Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар, ҳамкорликларнинг мазмунига тўхталаркан, Президент Каримов, бу алоқаларимизнинг мазмун-моҳиятини бошқа давлатлар билан солиштирганда, фарқи жуда катта деб таъкидлади.

— Бизни ҳеч ким ҳеч қачон ажратолмайди. Бундай ҳаракатларнинг таги пуч, — деди жумладан Ислом Каримов. — Ўзбекистонда ҳам, Туркияда ҳам ўзгаришлар бўляпти. Мустаҳкам заминга қурилган алоқаларимизни эндиликда янги босқичга кўтариш пайти етди. Иқтисодий ва бошқа жуда кўп ўзаро алоқаларни янги мундарижа билан бойитишни давлатларимиз ва халқларимиз умумий манфаатларининг ўзи талаб қилмоқда.

Президент Каримов туркияга сафари чоғида давлатларимиз муносабатларининг энг муҳим масалаларига эътиборни қаратиб борди. Хусусан, у коммуникация масалаларини ечиш жуда катта аҳамиятга эга эканлигини қайд этиб, уни ҳам стратегик, ҳам сиёсий масала сифатида таъкидлаб тилга олди.

— Туркия билан имзоланган олтмишдан ортиқ битимлар ва турли ҳамкорлик соҳаларига оид шартномалар бугун ўз мўл ҳосилини бермоқда, — деди Президент Каримов ўз сўзларидан бирида. — Илгариги шартнома ва битимларга издош яна тўрт шартномани имзоладик. Биз бир-биримизга раҳнамо, бир-биримизга йўлдош ва қўлдош бўлиб равнақ топамиз. Тажрибалар ўрганамиз. Туркия бизга илк тажрибаларни бергани бежиз эмас. Туркия ҳаётига қараб биз сабоқ чиқарамиз. Ижобий тажрибалардан ҳам, салбийларидан ҳам ўрнак оламиз. Дунё танлаган демократик тараққиёт йўлидан бориш, қалтис йўлларга қадам қўймаслик, салмоқли тажрибалардан тўғри хулоса чиқариш албатта, алоқа ҳамда ҳамкорликларимизни янги поғоналарга кўтаради. Бугунги Ўзбекистоннинг кечаги Ўзбекистондан фарқи жуда катта. Дунёнинг барча буюк давлатлари билан ўзаро тенг ҳамкорлик муносабатларини ўрнатмоқдамиз. Савиямиз, билим, онгимиз, сиёсатимиз бундай алоқаларни янги асосларга қуриш ва олиб боришга имкон беради.

— Ота юртингизга тез-тез келиб турингиз. Сиз қардошларимизга доим қайноқ бағримиз очиқ! — деди Президент Каримов турк биродарларимизни Ўзбекистонга таклиф этиб. Президент Каримовнинг Туркияга расмий сафари абадий дўстлигимизнинг янги порлоқ саҳифаларини очди.

**ИБРОҲИМ ҒАФУРОВ**

## АБДУЛЛА ҚАҲҲОР ХОТИРАСИ

«Адабиёт ҳаётимиздаги ҳаромхўрлик, риёкорлик, кўзбўямачилик, хушомадгўйлик, ёлғончилик, қўрқоқлик, мақтанчоқлик сингари иллатларга қарши курашиши учун адабиётнинг ўзи бу иллатлардан мусаффо бўлиши шарт», деган эди Абдулла Қаҳҳор. Унинг бу сўзлари бугунги кун учун ҳам ниҳоятда аҳамиятлидир.

Куни кеча бир гуруҳ ёзувчилар, олимлар А.Қаҳҳор қабрига гуллар қўйишди. Ҳамза номидаги академик театрда ёзувчи таваллудининг 90 йиллигига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди.



**Суратда: А.Қаҳҳор ёзувчи К.Яшин,** санъаткорлар **С.Эшонтўраева ва Н.Раҳимов** билан. 60-йиллар

**С.Маҳкамов сурати**

## ФАН, МАОРИФ, САНОАТ ВА САНЪАТ ХАЛҚАРО АКАДЕМИЯСИДА



Дунё миқёсидаги сиёсат ўзгармоқда. Инсониятнинг яшаш, тараққиёт ва ўз-ўзини сақлаб қолиш манфаатлари кўп соҳаларда бир ёқадан бош чиқариб ҳаракатда бўлишликни тақозо этмоқда. Ер юзида барча халқлар ва мамлакатларга дахлдор муаммоларнинг ечимларини топиш дунёдаги барча илғор кучларнинг бирдамлиги, якдил ҳаракатларига боғлиқ. АҚШнинг Калифорния штатида ташкил этилган Халқаро академия ҳам ана шундай мақсадларни кўзда тутади. У илм-фан, маориф-маърифат, саноат ва санъат соҳаларини ўз ичига олади.

Ҳозирда академиянинг 300 дан ортиқроқ аъзоси мавжуд бўлиб, улар дунёнинг ўнлаб мамлакатларидан сайланганлар. Улар орасида жаҳонга машҳур адиблар, бастакорлар, мусаввирлар, маданият ва спорт намояндалари, сиёсий арбоблар, давлатларнинг раҳбарлари, университетлар, академиялар, банклар, компанияларнинг бошлиқлари, журналистлар, режиссёрлар, йирик мутахассислар бор.

Академиянинг филиаллари АҚШ, Ўзбекистон, Қирғизистон, Грузия, Украина, Россия, Арманистон, Франция, Канада, Болгария, Япония, Исроил, Италия, Швеция каби мамлакатларда ишламоқда.

Халқаро академиянинг асосий мақсади — халқлар ўртасида ҳамкорлик, тотувлик муносабатларини ўрнатиш, турли мамлакатлар лидерларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш асосида илмий ғоялар, технологиялар, маданий ишланмаларни дунё миқёсида рўёбга чиқаришдан иборат.

Академия ер юзида ахборот кўприклари, маслаҳат марказлари, савдо-иқтисодий миссиялар, техника ва маданиятга доир кўргазмалар уюштиради, турли конкурслар ва бизнес-семинарлар ўтказади.



Бадиий, иқтисодий, илмий, савдо-тижорат лойиҳаларини мукофотларга ва хусусан, А. Эйнштейн номидаги Катта Олтин Медалга тақдим этади.

Халқаро академиянинг 1997 йил 16 июндаги қарорига биноан ўзбек адиблари Одил Ёқубов ва Неъмат Аминов Халқаро академия аъзоси қилиб сайландилар.

Миллий тикланиш демократик партияси ва «МТ» газетаси халқаро академикларимизни бу юксак унвон билан қутлайди.

Муборак бўлсин!

## КЕЛАЖАККА ЙЎЛЛАНМА

### *Навоий вилоятининг ҳокими ўринбосари Азамат ҲАЙДАРОВ билан суҳбат*

**— Азамат Ҳайдарович, маълумки ўтиш даврининг иккинчи босқичига келиб, яъни бугунги кунда республикамиз маданий ҳаётида келажакнинг соғлом ва баркамоллиги учун бир қанча маданий-маърифий ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада вилоятда қилинаётган ишлар ҳақида гапирсангиз.**

— Албатта, халқимизнинг маънавий дунёсини бойитишда маданий муассасаларнинг роли катта. Бу, айниқса, вилоятларда эътиборда бўлмоғи лозим. Биргина шу йилнинг биринчи ярмида маданий-маърифий йўналишларда 4125 та тадбир ўтказилди.

«Ўзбекнаво» концерт бирлашмаси шу йил май ойида ўз фаолиятини бошлаган бўлса-да, ҳозиргача 60 дан ортиқ концерт дастурини тайёрлаб, томошабинларга тақдим этди. Шундан 35 таси хайрия сифатида бепул намойиш қилинди.

Вилоят кутубхонаси 172 минг сўмлик янги адабиётларни олди.

157587 нафар китобхонга хизмат кўрсатилди. Вилоятдаги кутубхоналарда «Инсон манфаатлари йили», ўзбек мумтоз адабиётининг намоёндаси Нодирабегим таваллудининг 205 йиллиги, Хива ва Бухоронинг 2500 йиллиги, озодлик ва эрк куйчиси Чўлпоннинг 100 йиллигига бағишланган адабий бадиий кечалар, кўргазмалар ташкил этилди. Президентимиз Ислом Каримов асарларига бағишлаб оммавий тадбирлар уюштирилди.

Конимех, Қизилтепа, Хатирчи, Навоий туманлари, Навоий шаҳар маданият бўлимларининг бадиий жамоалари мамлакатимизнинг турли шаҳарларидаги ҳарбий қисмларда хизмат қилаётган вилоятимиз ёшлари ҳузурида бўлиб, улар учун адабий бадиий кечалар ташкил этдилар.

Шу ўринда биринчи июн — Халқаро болалар кунида ҳам дилбандларимиз учун ажойиб маданий тадбирлар уюштирилди. «Бахтиёр болалигим», «Болалигим-шўхлигим» каби мавзулардаги эрталиклар шулар жумласидандир. Ҳар йили улуғ шоиримиз Алишер Навоий таваллуд топган кунда Навоийхонлик кунларини ўтказиш вилоятимизда анъанага айланган.

Умуман вилоят ҳокимлиги маданий-маърифий муассасалар фаолиятини давр талаблари даражасида ташкил этишни доимий эътиборда тутиб келаяпти. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, бу борада ҳали вазифалар кўп. Муаммолар ҳам бор. Масалан, маданият уйлари, клублар ва бадиий жамоалар иқтисодий ривожланиш жараёнида ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга етарли аҳамият бермаяптилар.

**— Хабарингиз бор, шу йили октябр ойида тарихий шаҳарларимиз — Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллик юбилейи бўлиб ўтди. Ўйлайманки, ушбу байрам гўзал меъморий обидаларимизга кўрсатилган катта эътибор бўлди. Бу албатта қувонарли ҳол. Айтмоқчи бўлганим, Навоий вилоятида ҳам ёши тарихий шаҳарлар билан беллашадиган гўшалар бир нечта. Кармана ва Нурота шаҳарларидаги тарихий обидалар бунга гувоҳлик беради. Бугун ана шу қадимий-меъморий бинолар, зиёратгоҳларнинг аҳволи қандай?**

— Вилоятимизда тарихий аҳамиятга молик ёдгорликлар анчагина. Азалдан бу юрт Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини туташтирувчи манзил ҳисобланади. Буюк ипак йўли, Сармиш дарасидаги тошга чизилган манзаралар бу ернинг қадимий манзилгоҳ эканлигидан гувоҳлик беради. Работи Малик, Сардоба ана шундай тарихий манзил бўлган. Айни шу тарихий обидаларни таъмирлаш борасида вилоят ҳокимининг қарори қабул қилинган. Мақсад уни сайёҳлик манзилига айлантириш.



Карманадаги Қосим шайх тарихий ёдгорликлар мажмуида таъмирлаш ишлари давом этмоқда. Бундан ташқари, шу шаҳарда Мирсаид Баҳром, Ориф Дегарон каби зиёратгоҳлар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг атрофида ободончилик ишлари олиб борилаяпти. Мирза чорбоғ ёдгорлиги ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин.

Нурота шаҳридаги Чашма тарихий мажмуида ободончилик ишлари амалга оширилди. Бу ерда ўлкашунослик музейи фаолият кўрсатмоқда. Нурота ҳар доим зиёратчилар билан гавжум.

Вилоятимизда «Олтин мерос» жамғармаси ташкил этилган бўлиб, унинг тарихий обидаларни ўрганиш ва уни тарғиб қилишдаги хизматлари мақтовга лойиқ. Умуман айтадиган бўлсак, тарихга ҳурмат, маданий ёдгорликларни авайлаб-асраш миллий-маънавий қадриятларни улуғлаш демакдир.

Бу борадаги фаолиятларимизни худди ана шу мезондан келиб чиқиб режалаштирамиз ва олиб борамиз.

**— Бундан икки-уч йил олдин Республика матбуотидаги суҳбатингизда «Навоий шаҳрида театр ташкил қилса бўлади», деган фикрни айтиб, ўз режаларингиз билан ўртоқлашган эдингиз. Бу борадаги ишлар нима бўлди?**

— Дарҳақиқат, вилоят марказида театр ташкил этиш борасида дастлабки қадамлар ташланди. Вилоят ҳокимининг шу йил 28 майдаги қарорига кўра Навоий шаҳар «Наврўз» маданият уйи негизида ёш томошабинлар театри ташкил қилинди. Театрни актёрлар билан таъминлаш мақсадида вилоят ёшларидан 31 нафари танлаб олинди. Танлов якунига қараб 10 нафар иқтидорли деб топилган ёш йигит — қизлар маҳаллий бюджет ҳисобидан Республика санъат институтига ўқишга юборилди.

1996-97 ўқув йилида вилоятдаги санъат ва мусиқа мактабини тамомлаган 190 нафар йигит қизга Республикамиздаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларига ўқиш учун йўлланмалар берилди. Айни пайтда вилоятда санъат коллежини ташкил этиш бўйича ишлар бошлаб юборилган. Насиб этса, навоийликлар ўз театрида саҳна асарларини томоша қиладиган кунларга жуда яқин қолди.

**— Ўзингизга маълум, бугун айрим оммавий ахборот воситаларининг моддий аҳволи бир мунча оғирлашган. Бироқ Республика ва вилоятларда матбуотни қўллаб-қувватлаш борасида самарали ишлар ҳам олиб борилмоқдаки, бу журналистларга катта ишонч беради. Вилоятда бу борада қандай ишлар олиб борилмоқда?**

— Ҳозир бозор иқтисодиёти шароитида яшамоқдамиз. Маълумки, бозорнинг талаби ҳамиша юксак бўлади. Бозорни алдайман деганларнинг ўзлари алданиб қолишаяпти. Бозор баҳоналар билан ҳисоблашмайди. Ҳамма соҳада бўлганидек, матбуот ҳам бозорнинг мураккаб ва масъулиятли синовидан ўтмоқда. Бундай жараёнда сўзнинг сараги саракка, пучаги-пучакка ажратилади. Халқимиз газетхон халқ. Ҳар қандай шароитда ҳам ўз севган матбуот нашрини топиб ўқийди ёки обуна бўлади.

Биз янги даврга қадам қўйганлигимизни матбуот ходимлари яхши билишади. Энди журналистлар муассислар томонидан бериладиган дотацияга кўз тикмасдан, тадбиркорлик билан иш юритишлари керак. Яқинда вилоятимизда оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва ижтимоий-сиёсий қўллаб-қувватлаш жамғармасининг вилоят бўлими ташкил этилди. Вилоят ҳокимлиги ушбу жамғарма бўлимини қўллаб-қувватлаш учун бир миллион сўм ажратди.

Ҳар ойда вилоят ҳокими журналистлар билан учрашувлар ўзларини ўйлантираётган ва қизиқтираётган саволларни ўртага ташлайдилар. Вилоят ҳокимлиги оммавий ахборот воситаларига ёрдам беришнинг барча чора-тадбирларини кўрмоқда. Мана икки йилдирки, вилоятимизда матбуот нашрларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳашар уюштирилмоқда. Ҳашардан тушган маблағ обуна жамғармасига ўтказилмоқда. Биз мана шу йўлдаги хайрли ишларимизни бундан кейин ҳам давом эттираверамиз.

**— Бугунги кун матбуотидан қониқасизми? Сизнингча, матбуотни ўқимишли қилишда қандай омилларга суяниб иш юритмоқ керак?**

— Тўғриси, матбуотимиз ҳали эскича фикрлашдан батамом халос бўлгани йўқ. Айрим матбуот саҳифаларида далага ўғит чиқарилаётгани, суғориш жадал суратлар билан бораётгани ҳақидаги мақолаларни ўқиб кўнгил хира тортади. Наҳотки, матбуот учун шундан бошқа ташвиш йўқ. Матбуот жамоатчилик фикрини уйғотиши керак. Матбуот ўқувчига ғоя бериши лозим. Ана шундагина бизда ғоялар, фикрлар уммони пайдо бўлади. Матбуот ҳар бир даврда фикрлар булоғи бўлиб келган. Бекорга биз матбуотни тўртинчи ҳокимиятга қиёс қилмаймиз. Чунки, матбуот жамиятнинг энг ёруғ ойнаси. Бу ойнада халқ ташвишлари ва қувончлари, умидлари ўз аксини топади.

**— Самимий суҳбатингиз учун раҳмат.**

**Бектемир ПИРНАФАСОВ**
**суҳбатлашди**

## ЧЎЛПОН ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИ

*Ушбу шеър 1922 йил 12 декбарда ёзилган бўлиб, у Чўлпон. Яна олдим созимни (Тошкент. 1992 йил), Чўлпон, ҳаёти ва ижоди библиографияси (Тошкент, 1992) тўпламларида бироз ноаниқ берилган. Ундан ташқари олтинчи мисрада ҳам англашилмовчилик содир бўлганлиги сабабли бу шеър «Туркистон» газетасининг 1923 йил 17 март сонидан олиниб қайта нашрга тайёрланди.*

### СЕВИНЧИНГНИ ҚУВАЛА

**Ўлмасдан, тортинмасдан, ҳар кишининг ёнига,**
**Ўйнаб келган, кулуб келган, эй гуноҳсиз ёш бола!**
**Сенга ҳали жуда узоқ кирмак одам сониға,**
**Шунинг учун сира тинмай севинчингни қувала!**
**Янгигина япроқ ёзғон эрка, тоза бир гулсан,**
**Сенинг учун ҳар бир назар, ҳар бир қараш тозадур,**
**Ҳар бир сўзингни бир фаришта қанотига ёзадур,**
**Бу борлиқнинг қайғусини англамоғон ёш гўдак,**
**Пойларингга ўралашар қайғи эмас гул-чечак!**

**Чўлпон**
**1922 йил 12 декабр**

3-бет

*Фикр қирралари*

## ҚУРОЛ: КУЛФАТМИ, ЗАРУРАТМИ?

«Калашников автомати» ҳақида дунёда эшитмаган одам кам бўлса керак. Бу қуролни ушлаб кўрганлар, отиб кўрганлар ҳам оз эмас. Кейинги эллик йил мобайнида бу қурол воситасида нималар бўлмади, не-не ширин жонлар қирилиб кетмади.

Яқинда жаҳондаги энг яхши автоматнинг яратувчиси Михаил Калашников Жанубий Африкада бўлди. 78 яшар ҳарбий конструкторнинг бу ерга келиши жамоатчилик фикрини тўлқинлантириб юборди.

Фикрлар турли-туман:

Апартеидга қарши ўн беш йил партизанлик қилганлардан бири бундай дейди:

— Мен ва партизан дўстларим учун бу автомат худо билан баробар. У бизга ҳамма вақт ишончли, содиқ дўст, ҳимоячи ва халоскор бўлиб келган. У бирон маротаба бизни доғда қолдирмаган, панд бермаган.

Мамлакатда қурол-яроғларни эркин сотишга қарши чиқаётганлар ҳам оз эмас. Бундай ҳаракатнинг фаолларидан бири К. Хейли эса бошқача фикрда.

— Жанубий Африкада бугун жиноятчилик авж нуқтасига кўтарилган. Қотиллар, турли одамкушлар ҳозир айнан шу автоматдан фойдаланмоқдалар. Қўшни Африка ўлкаларидан бу автоматлар яширин тарзда кўп миқдорда олиб кирилмоқда. Калашников ўз сафари билан Жанубий Африка халқига жуда кўп кулфатлар келтирган қуролнинг шуҳратини оширмоқда...

Бу айбномаларни кўзда тутиб, конструкторнинг ўзи қуйидагиларни айтди:

— Автомат қуролни биз ватанимизни ҳимоя қилиш учун яратганмиз. Уни ҳозир тинчлик ва ўз-ўзини мудофаа мақсадларини кўзлаган мамлакатларга сотамиз. Автомат жинояткор қўлларга тушиб қолаётгани менинг айбим эмас.

Дунё қурол-яроғ бозорида катта савдо кетаяпти. Бу савдо ортидан дарё-дарё олтинлар ҳам оқиб келаяпти. Дарё-дарё инсон қонлари ҳам тўкилаяпти.

Фойда ол — қон тўк! Қон тўк — фойда ол!.. Бу разил фалсафанинг чеки борми?

## «ЭТНИК ҚУРОЛ» КИМНИ ҚИРАДИ?

Лондонда чиқадиган «Индепендент» деб номланган газетада ҳарбий-таҳлилий масалалар билан шуғулланувчи Бредфорд университети профессори Мэлколм Дэндонинг суҳбати босилиб чиқди. Инглиз олими унда дунёда ҳозир «этник қурол» яратилганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас, деб айтган. Бу қурол турли ирққа мансуб кишиларга турлича таъсир кўрсатади ва оқибати ўлим билан тугайди. Олимнинг фикрича, «этник қурол»ни ишлаб чиқариш технологияси генлар қурилиш назариясининг ютуқларига асосланади. Бундай қурол таъсирига дучор бўлган кишиларни тузалиб кетиши амри маҳол бўлиб, даволаш чоралари ҳали ишлаб чиқарилмаган.

Буюк Британия соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълумотларига қараганда, Қувайтни озод қилишда қатнашган инглиз ҳарбийларининг аксариятининг сиҳат-саломатлигига оғир путур етган, ҳар йили ўнларча кишиларнинг жони номаълум бир касалликдан узилмоқда. Касални қаттиқ тутқаноқ тутади, бадани ва нафас йўллари яллиғланиб, яра тошади. Олимларнинг фикрича, касалликнинг бундай аломатлари Сурия саҳроларида яшайдиган ҳайвонлар орасидагина учрайди. Ва бу касалликнинг вируслари шу ерда яшовчи халқларга ҳеч қандай таъсир кўрсатмай, европаликларда эса оғир асоратлар қолдиради. «Индепендент» газетасининг ёзишича, Пентагон бундай «этник қурол» ҳақида махфий маълумотларни жамлаган.

## ВАТАН ЯГОНА

Осмоннинг юмшоқ кўксига бош тираб турган виқорли тоғларга қараб, уларнинг танидаги харсанг тошларни оёғидаги норга ўхшатгим келади. Қоматлари тик ўсган арчалар — киприкларими-ей унинг. Оёқлари остида пишқириб оқаётган сойга қараб завқи келади кишининг. Йилнинг уч фаслида ҳам қувваи заминнинг юзига оро бериб яшнаб турган рангин чечакларни айтмайсизми?! Ҳаммаси ҳам ерга қадалгану, бўёқлари турфа. Тупроқда қандай ҳикмат борки, ҳосиятидан бир-бирига ўхшамас, мазали меваю, гул-лолалар униб чиқади. Бунча чиройли бўлмаса улар. Бундайин дилтортар, нигоҳни қувонтира оладиган манзур манзаралар ер юзида фақат муаззам Ўзбекистондагина бўлса ажабмас. Осмонига қуёшни, тупроғига мўъжизани, одамларига бағрикенглик ила маърифатни кўпроқ берган Яратгувчига шукроналар ўқигинг келади киши. Бу кун — улуғ кун, ёруғ кундир. Ўзбекистонимизда истиқлолнинг янги тонглари отмоқда. Инсоният тарихида яхши кунлар бўлиб ўтганлиги ростдир. Бироқ, эртага уларнинг фарзандлари бугунгидан ҳам фаровонроқ, маърифатга бой, ички маданияти, қалб дунёси гўзал, фозил бўлишликда қайси давр юртбошиси бунчалик, бугунчалик қайғурган эди. Ҳуррият эпкинлари силаб ўтаётган мустақил Ўзбекистоннинг ўғил-қизлари қадриятлар яна тикланиб, улуғланиб бораётган бир даврда яшамоқдалар. Ота-боболаримиз неча асрлар давомида орзу қилиб келган, етолмаган дориломон кунларга шукурким, етиб турибмиз. Маърифат булоғи бошидамиз. Маданият сувига лаб тутиб туришдек бахтга муяссармиз. Ажаб, ўйланиб қоласан киши. Одам энг яқини бўлган ота-онасидан айрилганда чидай оларкан. Гоҳида қадрдон дўстидан, кези келганда, умр йўлдошидан, маҳбубасидан-да айро тушганда ўзига бардош ва тўзим тилайкан. Аммо ҳеч бирининг дарди фироғи Ватанчалик бўлмайди. Дийдор қадрига етмай турган баъзиларни кўрганимда умр қайтарилмаслигини, бу чексиз, ёруғ оламда эса, Ватан биттalигини уқтиргим келади. Токим улар ўз қалбларини ватанпарварлик оби ҳаёти ила суғормас эканлар, одобу илмда намуна кўрсатиб ўз юрти қадриятларини севмас ва эъзозламас эканлар, ҳурриятлар мамлакати бўлмиш озод ва обод диёримизнинг муносиб фарзандлари бўла олмайдилар. Бу борада мактабгача тарбия муассасаларининг, бошланғич таълим таянч мактабларининг роли ва вазифаси беқиёсдир. Куннинг ярмидан кўпроғини мактабда ўтказаётган ёшларда миллатпарварлик, озодлик, эркин, хурфикрлилик, маданий маънавиятни сингдиришда мураббий ўқитувчиларнинг хизматлари беқиёс каттадир. Бу соҳа жонкуярларига эътибор, ишига қадр, маошига барака қўшилиши беиз кетмайди албатта. Миллий маънавий янгиланишни теран англаш — масъулиятни ошириш борасида юз беради.

Истиқлол маънавиятини юқори поғоналарга юксалтириш, демократиянинг умумий талабларини ўзимизга қоида қилиб олишимиз — гўзал, озод Она Ватанимизни янада равнақ топтириб, кўз қорачиғидек асраб, келажакка етказишимиз кафолатидир.

**Дилором ИСМОИЛОВА.**

## ЧЎЛПОН ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИ

# БОШИ БЕРК КЎЧАЛАРДА...

Бухоро Халқ Жумҳурияти барпо этилгач, жумҳуриятнинг ваколатли раҳбарларидан бири — Фитратнинг таклифи билан Чўлпон «Бухоро ахбори» газетасига муҳаррирлик қилиш учун Туркистоннинг бу кўҳна шаҳарига боради. Бу вақтда Бухоро амирини ағдаришда жадидларга ёрдам берган Фрунзе қўшинлари ва умуман Совет ҳокимиятининг ғаразли нияти ошкор бўлган эди. Шунинг учун ҳам, жумҳурият раҳбарлари ўртасида болшевикларга қарши кайфият ва улар таъсиридан халос бўлиш истаги шаклланмоқда эди. Лекин, чамаси, болшевиклар жумҳурият раиси Файзулла Хўжаев билан Марказий Қўмита раиси Мирза Абдулқодир ўртасига пона қўйишга улгурган ва бу пона раҳбариятни икки гуруҳга ажратаётган эди.

«Барча Бухоро жадидлари, — деб ёзади шу кезларда Бухорога келган З. Валидий, — амирни ағдариш учун олиб борган курашларида руслар билан бирлашдилар. Аммо улар Русия босқинчилик ҳокимиятининг чексиз-чегарасиз бўлишига қарши эдилар. Уларнинг шу масаладаги бирдамлиги ҳар қандай мақтовга сазовор эди.

Улар оқшомлари мени уйларига меҳмонга таклиф қилиб турардилар. Бироқ улар ўзаро ҳар доим ҳам аҳил бўлмаганлари учун, тағин бирортаси русларга гуллаб қўймасин, деб ташвишланар эдим...

Бизнинг асосий вазифамиз ағдариб ташланган амирга қарши курашни давом эттириш ниқобида Бухоро миллий армиясини ташкил этиш ва Хива, Туркманистон, Қозоғистон вакилларини чақириб, «Туркистон миллий иттиҳоди» ташкилотини тузиш эди. Биз шунга тайёрланар эканмиз, июн ойининг бошларидаёқ Бошқирдистондан Қозоғистоннинг барча бурчагига, Ғулжадаги японларга, Фарғона водийсидаги босмачиларнинг таниқли раҳбарларига одамлар юбордик».

З. Валидий берган маълумотга қараганда, Бухоро жадидларининг таклифи асосида кўпгина зиёлилар билан бирга Фарғона босмачиларининг бошлиғи Шермуҳаммадбек номидан Элдорхон Мутин билан Хорис Игликов, Раҳмонқул қўрбоши номидан Мустафо Шаҳкули ва бошқалар ҳам келганлар.

Биз қозоқларнинг «Алаш-Ўрда қўмитаси» аъзолари ва туркман зиёлиларини ҳам Бухорога таклиф этдик, — деб давом этади З. Валидий. — Уларни Бухоронинг шимол томонида жойлашган Харгуш қишлоғидаги бир хўжаликда кутиб олдик... Бошқирдистондан келган... офицерларимиз Бухородаги ҳарбий идораларда юқори лавозимларга жойлашиб олишди. Қарши, Шаҳрисабз, Ғузор, Карманада жойлашган ҳарбий қисмлар (яъни марказий ҳарбий қисмлар) шу офицерларнинг назорати ва таъсири остида бўлди... Бизнинг мақсадимиз қуйидагича эди: агар руслар бизга миллий қўшинларни қонуний равишда тузишга имкон беришмаса ёхуд биз туза бошлаган қўшинларни тарқатиб юборишса, босмачиларга қўшилиб, умумий курашни бошлаймиз...

З. Валидий Чўлпоннинг бу яширин ҳаракатдаги иштироки тўғрисида бирор сўз айтмаган. Айтмагангина эмас, ҳатто ундан қочиб-яшириниб ҳам юрган. Унинг назарида, рус айғоқчилари билан тўлган шаҳарда шоирона кайфият соҳиби бўлган Чўлпоннинг бу ҳақда гуллаб қўйиши мумкин эди. Аммо шунга қарамай, шу кезларда Харгушда истиқомат қилган Чўлпоннинг чор атрофда рўй бераётган воқеалардан, Мухтор Авезов сингари ёзувчиларнинг келаётганидан хабарсиз бўлганига ишониш қийин. Қолаверса, унинг сиёсий вазиятдаги ўзгаришларни, халқ жумҳуриятининг советлашиб бораётганини сезмаслиги мумкин эмас.

Ахир у ҳали Бухорога бормай турибоқ, 1921 йилнинг мартида, «Чақиргувчи, ўкиргувчи бир товуш Ботирларнинг жон сўраган товушидир. Йиқитгувчи, ағдаргувчи қўзғалиш яқиндаги зўр курашнинг бошидир», деб ўзининг «босмачилик» ҳаракатига хайрихоҳлигини ошкора айтган эди. Орадан бир неча ой ўтгандан кейин, Фарғона водийсида рўй берган даҳшатларни ўз кўзи билан кўрганидан сўнг эса «Бузилган ўлкага» шеърини ёзган ва бундай ҳайқирган эди:

От минганда қушлар каби учгувчи,
Эркин-эркин ҳаволарни кучгувчи,
От чопганда учар қушни тутгувчи,
Учар қушдай ёш йигитлар қаерда?
Тоғ эгаси — сор бургутлар қаерда?..

Чўлпон бундай оловли сатрлари билан азамат йигитларни Совет ҳокимиятига қарши кураш майдонига чақирган, уларни босмачилар сафига келиб қўшилишга ундаган эди.

Хуллас, Чўлпоннинг ҳам, З. Валидийнинг ҳам ташвишлари бежиз оловланмади. Болшевиклар турли-туман баҳоналар билан Бухоро Халқ Жумҳуриятининг аксар раҳбарларига айб қўйиб, уларни бадном эта бошладилар. Фитрат ҳибсга олишларидан қочиб, Тошкентга келди. У билан қарийб бир пайтда Чўлпон ҳам Бухорои шариф тупроғини тарк этди.

Чўлпон Тошкентни тарк этиб, Бухорога борганида, тошкентлик дўст-ёрлар уни курашдан қочишда айблаган эдилар. У бундай кайфиятдаги ўртоқларига жавобан «Мен қочмадим» деган шеърини ёзиб, унда, жумладан, бундай деган эди:

**Мен қочмадим! Нега мени «қочди», деб,**
**Йўқга мунча шовқин-сурон қилдингиз?**
**Кучоғини «ўзлиги»га очди, деб**
**Оқ исмимга қора занжир илдингиз?**
**Мен «ўзлик»дан кўпдан бери узилиб,**
**«Кўплик» ичра ботиб кетган танамен.**
**У «кўплик»нинг қайғусидан чўзилиб,**
**Кулоч отиб, сузиб юрган яна мен.**
**Мен янгилар ўлкасидан синмаган**
**Бир қанотни тақиб олиб кўзғалдим.**
**Шу йўлимда япроқлари сўлмаган**
**«Ёш ёғоч»нинг соясида тўхталдим.**

Чўлпон бу шеъри билан аввалги эътиқодидан қайтмаганини айтиб, «ёш ёғоч» — Файзулла Хўжаевнинг соясида миллий истиқлол ва миллий тараққиёт учун кураш олиб боришини маълум қилган эди. Лекин бу «ёш ёғоч»нинг япроқлари, кўп ўтмай, тўкила бошлади. Унинг ўзи ҳам ана шу япроқлардан бири ўларок тўкилиб, Тошкентга қайтди.

У Тошкентга қайтар экан, поезд Ўрта Осиё темир йўлининг Жумабозор бекатида тўхтаганида, «Юпанмоқ истаги» деб номланган шеърини ёзади. 1922 йилнинг 9 июнида қоғоз бетига тўкилган қуйидаги сўзлар Чўлпоннинг кўнглидаги умид ниҳоли сўнмаганидан дарак беради.

Мана, ўша сатрлар:

**Денгизлар қайнаса, тошса сувлари,**
**Кесилса йўлчининг истак йўллари,**
**Денгизга айланса ўнг ва сўллари,**
**Балки юпатгуси ҳўлланган кўзлар?..**
**Ўйланган ўйларга кўнгил юпанмас,**
**Кўнгилнинг истаги ўй билан қонмас,**
**Айтарлар: бу тунда ёруғ шам ёнмас,**
**Чақмаса гугуртни асл ўғиллар...**

Чўлпоннинг фикр-ёдида қандай қутлуғ ниятлар бўлмасин, бошида қандай олижаноб ўйлар чарх урмасин, улардан шоир кўнглининг ёришмаслиги тайин эди. Унинг кўнглини юпатадиган бирдан-бир нарса Туркистон ўғлонларининг гугурт чақиб, тунни ёритишлари эди, албатта.

20-йилларнинг бошларида Туркистон устига чўккан зулматни ҳайдаш учун гугурт чақиб, шам ёндирган кишилардан бири, шубҳасиз, Анвар пошадир. Бокудан Бухорога бутунлай бошқа мақсадда келган Анвар поша шароит тақозоси билан Туркистон халқларини болшевиклар зулмидан озод қилиш ишига киришган. Сон жиҳатидан Анвар поша қўшинидан бир неча баравар катта бўлган ва яхши қуролланган рус армияси ўша йил август ойининг бошларида исёнчиларни тор-мор қилди. 4 август куни Балжуван яқинида бўлган қақшатғич жангда Анвар поша беш жойидан ўқ еб, ҳалок бўлди. Бу саркардага катта умидлар боғлаган Чўлпон айниқса қайғирди. У ана шу мусибатли воқеа муносабати билан яратган «Балжуван» шеърида ўз қайғу-аламини бундай оловли сатрларда ифодалади:

**Фарёдим дунёнинг борлиғин бузсин!**
**Умиднинг энг сўнгги ипларин узсин!**
**Ғазабдан титраган ёш бир йигитнинг**
**Тоғдек сийнасига ўқлар ўрнашмиш.**
**Тоғларда эрк учун юрган кийикнинг**
**Қора кўзларига мотамлар кирмиш...**
**Шаҳидлар юзига томгувчи нурлар,**
**Қонлар йиғлатди-ку бизни бу хабар...**

Анвар поша Чўлпон наздида Ўрта Осиё халқларини мустамлака кишанларидан озод этиш учун туғилгандек эди. Шунинг учун ҳам унинг фарёди дунёни бузди.

### ЧЎЛПОН ВА «ДАРХОН»

Маълумки, 1923 йили Ўзбекистон ҳукумати босмачилик ҳаракатини тугатиш мақсадида «Дархон» газетасини ташкил этган. «Туркистон» газетасининг муҳаррири Абдулҳай Тожиев, Чўлпон ва Босит Қориев (Олтой) Андижонга бориб, «Дархон» газетасини чиқарганлар. Мутахассисларнинг уқдиришларига кўра, Анвар пошанинг ўлимидан кейин босмачилик ҳаракати бир қадар сусайган ва пароканда ҳолга келган бўлиб, унинг давом эттирилиши тинч аҳолини ҳам, «босмачи»ларнинг ўзларини ҳам ҳалокатга олиб келиши мумкин эди. Шунинг учун, уларнинг айтишларича, Чўлпон бу нозик ишга аралашишдан воз кечмаган. Лекин шунга қарамай, у қаердадир ўз виждонига қарши ўларок иш тутган ҳисоблаб, қаттиқ изтироб чеккан.

**Муҳит гирдобида бир сомон парча,**
**Бир похол чўпидек оқиб борамен.**
**Ҳар амал, ҳар ишни «ҳақ», деб борамен,**
**Вазминим қолмади бир узун қилча,**

деб нола қилган у «Сомон парча» шеърида. Ҳатто шу шеърни бундай бадбин хулоса билан тугатган:

**Кирмаймен кўчанинг боши беркига,**
**Чунки таслим бўлдим муҳит эркига...**

Бундай сатрларни ўқиган китобхоннинг Чўлпон дунёқараши ва фаолиятида кескин ўзгариш юз берганига ишониши мумкин, албатта.

Лекин сўроқ қайдномаларини ўқир эканмиз, баъзи бир фактлар бизни ўйлантирмай қўймайди. Чунончи, Чўлпон юқорида номлари саналган ҳамроҳлари билан бирга Андижонга боришдан аввал Қўқонда Обиджон Маҳмудовнинг уйида меҳмон бўлганларини эслаб, бундай деган: «Фарғонада бўлган ҳайтимизда Обид чатоқ Маҳмудовнинг уйида Абдулҳай Тожиев, мен ва Босит Қориев кенгаш ўтказдик. Шунда Обид чатоқ НЭП жорий этилгани учун босмачиларга қарши ҳеч қандай тадбир-чорани қўллаш керак эмас, зеро, босмачилик ҳаракати ўз-ўзидан тугайди. Босмачилик — Совет ҳокимиятининг зулмга асосланган сиёсати натижаси. Модомики, НЭП бу зулмга чек қўяр экан, омма босмачиликдан юз ўгиради. Абдулҳай Тожиев ҳам Обид чатоқнинг далилларига қўшилди...»

Бу сўзларни ўқир экансиз, уларнинг НКВД ходими томонидан бичиб-тўқилганига ишонгинг келмайди, киши!

Яна шу қайднома қуйидаги маълумотларга ҳам дуч келамиз. Чўлпон терговчининг саволларига жавоб бериб, бундай деган: «1922-1923 йилларда пантуркистлар ташкилоти қуролланган босмачи-исёнчи кадрларни сақлаб қолиш мақсадида босмачилик ҳаракатини секин-аста тугатмоқчи бўлди. Кунларнинг бирида Рисқулов мени ҳузурига чақириб, Мунаввар қори ва Заҳириддин аъламнинг олдига боришим ва улардан Фарғона водийсидаги босмачиларга мурожаатномани олиб, унга келтириб беришимни сўради. Мен Мунаввар қори билан Заҳириддин аъламнинг уйларига бир неча маротаба бордим, лекин мурожаатнома тайёр эмас эди, ниҳоят, уч-тўрт кундан кейин мен Рисқуловнинг кўрсатмаси билан тузилган мурожаатномани Заҳириддин аъламдан олиб, Рисқуловга келтириб бердим. Бу мурожаатноманинг мазмуни босмачиликни тинч йўл билан тугатиш ва босмачи-исёнчи кучларни келажак учун сақлаб қолишга қаратилган эди».

Сўнгги жумланинг НКВД ходимлари томонидан қўшилганлиги аён кўриниб турган бўлса-да, бу парчада ҳам ҳақиқат уруғлари бордек туюлади. Ҳаттоки, назаримизда, миллатпарвар кишиларнинг босмачи кучларни келажак учун сақлаб қолиш мақсадида бу ҳаракатни вақтинча тўхтатишга мажбур бўлганлари сезилиб туради.

Хуллас, Чўлпоннинг «Дархон» газетасидаги фаолияти унинг чекиниши, «сомон парча»га айланиши эмас, балки вазиятга тўғри баҳо беришининг натижаси эди. Чўлпон ва унинг маслакдош дўстлари қулай фурсат келиши билан Совет ҳокимиятига қарши янги куч билан курашишга умидвор эдилар.

### ТИЛАК ЙЎЛИДА

1921 йилнинг наврўз куни эди. Чўлпон Тошкентда яқин дўст-ёрлари билан қутлуғ байрамни қарши олиб, гурунг қуради. Бугун бу гурунгнинг иштирокчилари орасида кимлар бўлганини билмаймиз. Лекин шу нарса аниқки, суҳбат мавзуи миллий истиқлол учун кураш масаласига бориб тақалганида, кимдир бу курашнинг бирор натижа билан тугашига шубҳа билдириб, Советлар билан ҳамкорлик қилишни таклиф этади. Чамаси, гурунгда ҳозир бўлган кишиларнинг аксари бу фикрга қўшилишади. Фақат бир кишигина бу фикр ёқмайди. Бу киши Чўлпон эди. У шу куни дўст-ёрлари билан хайрлашиб кетгач, «Тилак йўлида» деган шеърини ёзади. Сарлавҳадан кейин «Чарчаганларга» деган бағишлови бўлган бу шеър қуйидаги сатрлардан иборат:

**Кетган йўлим тўғри йўлдир, кетамен,**
**Қандай тўсиқ-моне бўлса, ўтамен,**
**Мен кетамен, тилак, дея кетамен,**
**Ҳеч тилаксиз қуруқ танни нетамен?**

**Тилак йироқ, ёғдуси-да кўринмас,**
**Ой кетармен, йил кетармен, етилмас,**
**Туйғум унинг изларига урилмас,**
**Бу йўлларда балки шафқат этилмас.**

**Яна «тилак», «тилак», дея кетармен,**
**Бир жон экан, майли, қурбон этармен!..**

Чўлпон шу шеърда ифодаланган ваъдасига содиқ қолди. У ўз тилаги ортидан кетиб, ширин жонини истиқбол ва истиқлол йўлида қурбон қилди.

**Наим КАРИМОВ**

**P. S. Муаллиф ушбу мақоланинг ёзилишида ўз китоблари билан ёрдам берган Темурмалик Юнусов ва Шерали Турдиевга, самимий миннатдорчилик билдиради.**

# МАЪРИФАТ ЙЎЛИДАГИ ТЎСИҚЛАР

*Чўлпон 20-чи йилларнинг энг долзарб муаммоси — маорифга катта эътибор бериб, уни халқимиз учун ҳаёт-мамот масаласи деб атаган. Шоир халқни саводхон қилиш учун янги мактаблар зарур эканлигини тушуниб, бу ҳақда бир қанча мақолалар ёзди. Аммо ўша даврдаги айрим тўралар турли баҳоналар билан янги мактаб очилишига қарши турдилар. Шоир миллий чегараланишдан аввалги Хўжжанда маориф шўъбаси давлат мактабларидан ташқари ўқитувчилар билан шартнома асосида янги мактаблар очиб хайрли ишларни амалга оширган маорифчиларни қўллаб-қувватлайди. аммо ўлка маориф тўралари ўша пайт Хўжанд маорифчиларининг бу хайрли ишини нотўғри топиб уларга койиш, бугунги кун истилоҳи билан айтганда огоҳлантириш берадилар. Чўлпон бу масала муносабати билан «Туркистон» газетасида (1922 йил 29 октябрь) бир шеърий ҳангома ва мақола ёзади. Қуйида улар ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилинмоқда.*

*Нашрга тайёрловчи, профессор Эргаш Умаров*

## ҲАЁТ-МАМОТ МАСАЛАМИЗ ТЎҒРИСИДА

«Туркистон» бошқармасиға ўлкамизнинг ҳар томонидан ҳар кун дегундек тўп-тўп хатлар келадир. Газета бошқармасига келатурғон хатлар албатта маҳаллаларнинг кун ўтказиши, тириклик қилишини ҳар тарафдан яхшилаб кўрсатса керак эди. Лекин ул хатлардан олинган хабарлар билан газетанинг ўлка ҳаёти қисмини кенг, яхши ва тўғри бир йўлға қўйиб бўлмайдур. Негаким ул хатларнинг ҳаммаси дегунмак маориф, ўқуш, ўқутуш масаласидан ва ул масаланингда фақат фожиъ ёқларидан баҳс этилар. Ўлка маориф комиссарлигида ўлтуруб маҳаллалардаги маориф шўъбаларининг маъруза (доклад)лари ичига кўмилган ўртоқларимиз, билмадикким, маорифимизнинг ҳақиқий ҳолидан қанча хабардор бўлсалар? Албатта, улар маҳаллалардаги маориф ишларининг очиқ чеҳрасини биздан ортиқ англаб, биздан ортиқ билсалар керак. Фақат маҳаллалардаги маориф ишларининг ўлиб боришиға қарши у ўртоқларимизнинг бу кун нима тадбир ва чоралар кўрганлиги уларнинг Хўжанд маориф шўъбасиға қилғон муомилаларидан маълумдир. У муомила шундан иборатдир: ўлкамизда (ўша пайтдаги Туркистон назарда тутилмоқда — Ред.) мактаб ўқувчилариға бир қиссадир аҳамият берган бир мусулмон шаҳри бўлса у ҳам Хўжанд экан. Маориф комиссарлигининг мактаблар тури (миқдори) бўйича Хўжандда ҳукумат ҳисобига фақат саккизгина мактаб очишға рухсат берилиб, шунга яраша бўлмагир озроқ пул берилгани ҳолда Хўжанд маориф шўъбаси ўзи ҳаракат қилиб, ўн тўрт мактаб сақлар экан. Бу ўн тўрт мактабнинг эгаси ҳам қизлар мактаби экан. Сўнгги вақтларда таъминотсизлиқ сабаблиқ ҳар ерда мусулмон муаллимларнинг мактаб ишларини ташлаб бошқа йўлларға кириб кетганликларини кўрган Хўжанд маориф шўъбаси турли йўллар билан пул топиб муаллимларга таърифа (таъриф) бўйинчагина оёқ бермасдан улар билан алоҳида муоҳада (договор)лар ясаб уларни бир қадар таъмин қилиб келган. Хўжанд маориф шўъбасининг бу ҳаракатини бизнинг ўлка маориф комиссарлигимиз ўзбошимчалиқ, режадан чиқишлиқ деб топиб унга койиш (порицание) эълон қилғон. Бу муомила Хўжанд маориф шўъбасида ўлтуриб озда бўлса ишламак истаган кишиларга ишлама, барибир сени ишлатгани қўймаймиз, демак эмасми? Дуруст, Хўжанд маориф шўъбаси ўзбошимча муоҳада боғлағон, ўз босганича иш қилғон. Ҳар ҳолда керак ва лозим бўлғон расмиятни бузғон. Лекин мактаблар тури бўйинча ҳиссасига тушган мактабларнинг яримёртиси учун ҳам қанча вақтлардан бери таъминот ололмай келган маориф шўъбалари бор, кўб бор. Ана буларга қарши расмиятни бузғон маориф комиссарлигини ўзи эмасми? Хўжандда саккиз мактаб ўрнига ўн тўрт мактаб бўлғон экан, бу мактабға эга бўлолмаган жойлар ҳам бор. Сўнгра масалани бу жиҳати ҳам бор: бу кун бизнинг ерлик халқнинг маорифи ўлим олдида. Маориф ишида юрган ёшларимиз, муаллимларимиз қоринларини тўйғаза олмасдан маориф ишидан чекилдилар. Уларни янадан мактаб-маориф ишига жалб этмак масаласи бизнинг ҳаёт чизиқ масаласи бўлиб туради. Шундай бир аҳвол ичида ҳамма Оврупо расмиятининг энг бачкана, энг арзимас бир бобиучун шундай муомила қилмоқ тўғрими? Ўлар ҳолатда ётқон кишига нимага меҳмонни қарши олмоққа чиқмадинг десак бўладирми? Фирқанинг сўнги ўлка конференциясида маориф ишлари тўғрисида қисқа, лекин асосий гаплар айтилди. Маориф тўғрисида маҳалладан келган ҳар бир вакил деганидек зорланиб ўтди. Бутун жумҳурият учун биринчи майдон хўжалиқ майдони бўлиб, маориф иккинчи ё учунчи майдон бўлса, бизнинг Туркистонда ўзининг қоронғулиғиға қараб бу майдон биринчи бўлмоғи керак эди. Аммо бизда босмачилик ҳаракати бор. Лекин яхшилаб ўйлағонда бу босмачилиқ ҳаракати ва унинг орқасида 4-5 йилдан бери элни қақшатиб келган уруш майдони бизнинг жаҳолатимиз орасида чиқмадими? Бир нарса англаган, тушунган халқлар сира оёқ остида эзилдиларми? Саккиз мактаб ўрниға ўн тўрт, балки йигирма тўрт мактаб очиб, аҳднома билан эмас, ундан каттароғи билан иш кўриш натижасида ҳар бир қуллуқ занжириға оғир-оғир зарбалар тушурулмасми?



## «КОЙИШ»

Муаллимлар билан ўз бошича аҳднома (договор) боғлоғони учун Хўжанд маориф шўъбасига наркомпрус томонидан койиш эълон қилинди (хабар).

**Эй хўжандлик шўринг қурсинг, бўйинг қуйсин!**
**Билмайсанми: мусулмонлиқ аста-секин?**

* * *

**Ўлкамизнинг ҳар ерида ғафлат ривож,**
**Аҳли ислом ширин-ширин ухламоқда,**
**Дарди борлар изламайлар даво — илож,**
**Аҳл иймон фақат савоб тўпламоқда...**

* * *

**Мактаб нима? Ўқуш нима? Ўйловчи йўқ,**
**Мактабларнинг борини ҳам ёпмоқдалар;**
**Билим-ҳунар сўзларини сўзловчи йўқ,**
**Ёш ва қари «Худойим» деб ётмоқдалар.**

* * *

**Фақат Хўжанд... хўжандликни худо урғон,**
**Мактаб сўзи унда кўпрак айтиладир?**
**Наркомпрус пилонини бошқа қурғон,**
**Хўжанд бўлса ўз йўлида иш қиладир.**

* * *

**Наркомпрус бир кичкина Хўжанд учун,**
**Саккиз мактаб очмоқлиққа рухсат берган,**
**Осий Хўжанд ул рухсатдан товлаб бўйин**
**Мактабларни саккиз эмас ўн тўрт қилғон.**

* * *

**Тағин бунинг иккитаси қиз мактаби,**
**Биродарлар, мусулмонлиқ қайда кетди?**
**Яна бўлса ҳовлиққонлар Хўжанд каби,**
**Ул вақтда мусулмоннинг иши битди...**

* * *

**Хайриятким, бундай ёмон кишиларга,**
**Наркомпрус ўз вақтида назар солғон,**
**Хўжанддаги маорифчи кишиларга,**
**Буйруқ билан «қаттиқ койиш» юборилғон...**

* * *

**Хўжандликни бу ишлари уят-ордир**
**Наркомпрус койиса ҳам ҳаққи бордир!**

## ТИЛИМИЗНИНГ ИШЛАНИШИ

«Бухоро ахбори» йўлдошимизнинг шакли, босилиши ҳозир хийла текислашди. Сўнг вақтларда бу газетанинг ўз вақтида мунтазам чиқиб турғони кўриладир. Қоғозларининг яхшилиғи, ҳарфларининг очиғлиғи, расмлик чиқиб туриши жиҳатидан бу газеталаримиз орасида биринчи ўрунни тутадир. Халқимиз нодон, китоб мутолаага рағбатсиз. Унга шунга ўргатмак ва қизиқтирмоқ учун матбуотнинг очиқ, аниқ, чиройлиқ бостирилиши жуда аҳамиятликдур. Туркистон. Бухоро ва Хива газеталари бунга айрим диққат қилишлари керак, «Бухоро ахбори» йўлдошимизнинг бу тўғридағи ғайратини олқишлаймиз. Лекин йўлдошимизнинг доим кўзга қадала турғон битта зўр хатоси бордирким, уни хайрихоҳлиқ билан айтиб ўтмасак бўлмайдир. Бизнинг кўрсатмак [illegible] тил, шева камчилиги, тўғриси, тилга аҳамият бермаслик хатосидир. Бош сарлавҳаси ёнида»... адабий жарида туркия» деб ёзулғон бу газета, маълумдиркум, ўзбак шевасида чиқадир. Бухоро ҳукуматининг расмий тили ҳам ўзбакчадир. Бухородек форс-эрон таъсирига ортиқ ютулиб кетиб ўз тилимиздан ажралиб қолғон бу ўлка учун у ердаги кўпчилик авом учун тилнинг аҳамияти жуда зўрдир. Ҳолбуки, «ахбор» йўлдошимизда бу жиҳатга сира диққат этилмайдир ёки этила олмайдир. Унинг ярим татар ва чала-була ўзбак шевасида босила турғон мақола ва хабарлардин бир неча мисол кўрсатай. «Ахбор» йўлдошимизда: «шунлуқдан», «тишдан», «уздирмоқ», «тўли», «нечки», «топқир», «кабк», «ортидан» «соқчилари», «ниндий» қатнашадир.

«Бик», «кўб», «тевиш», «алу» «йасов», «йасалажақ», «олиначақ», «қолдирилажақ», «келачак», «сира».... каби шевамизга ёт бўлғон сўзлар жуда кўп ишлатиладир. Фақат сўзларгина эмас (айнан) «бутун саройдағи» ғўзани қалай маорифга бериб қўйамиз», «оиласи ёнида тунларда йўқласа» каби жуда ёт, жуда қўпол ўз эмас жумлалар бор. «Ахбор»нинг 146-сонида «Ўртоқ!» деб бошланатурғон бир хитоб бор, ундан бир неча жумла кўрсатай: (айнан) «сан дўкончи(? ) бўлсанг, тинч савдо (? ) қилишқа тилайсангдур(? ), Деҳқон бўлсанг, меҳнат билан йиғинғон (? ) ғалланг ҳам қўй, дава, ҳўкиз (? ) ва бошқа хил молларнинг ник ўғрилар томонидан зўрлуқ билан олинмоқини устамайсанингдур (? )

Энди адабиётнинг (тил билан бирга) ишланишига келайлик: сўнг вақтда «Мойқи» деган бир «шоир»нинг шеърларига йўлуқа турғон бўлдуқ «Ахбор» шоири биродаримиз ўзининг «Қизил милитсийа» сарлавҳалиқ бир «шеър»ида милитсийа йигитини: (айнан)

«Сан бу юртнинг боқчиси (? ),
Сан инқилоб соқчиси...» деган бузуқ сўзлар билан таъриф қиладир. Мойқи ўртоқнинг Бухоро деҳқонлариға қилғон шу:
«Қани, деҳқон қариндош.
Кунинг қандай талонғоч...» хитобини, ўқуш билангина дарров англаб бўлмайдир.

# Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 1997 йил. 2 декабр | 47 (128)-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДЕМОКРАТИЯ УМУМИНСОНИЙ ПРИНЦИПЛАРГА АСОСЛАНАДИ, УЛАРГА КЎРА ИНСОН, УНИНГ ҲАЁТИ, ЭРКИНЛИГИ, ШАЪНИ, ҚАДР-ҚИММАТИ ВА БОШҚА ДАХЛСИЗ ҲУҚУҚЛАРИ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ ҲИСОБЛАНАДИ**

*Ўзбекистон Республикасининг конституцияси. 13-модда.*

## ЯНГИЧА ТАФАККУР — ТАРАҚҚИЁТ ЭҲТИЁЖИ

Демократик тамойилларга асосланган барқарор жамиятда янгича тафаккур тарзи муҳим ўрин тутади. Бу борада Президент И. А. Каримов бир неча бор қайта-қайта таъкидлаб уқтирганлар. У киши янгича тафаккур тарзининг шаклланиш асосларини уч омилда кўрадилар.

**Биринчиси.** Ҳар бир кишида, жамоада ва замонда мустақил фикрлаш тарзини шакллантириш. Бунинг учун Шўро даври тоталитар жамиятидан мерос қолган иллат — маърифий ва сиёсий стереотиплардан қутулиш лозим. Бу Шарқ ижтимоий тараққиёт тамойилларига асосан амалга оширилади. Чунки Президент фикрича, «Бизларнинг инсоний табиатимиз, иймон-эътиқодимиз, диёнатимиз... инқилобчиликни, умуман коммунистик ғояларини қабул қилинмайдиган табиат. Шу нуқтаи назардан бу ғоялар бизларнинг ҳаётимизга сунъий кириб келган ҳолатдир». Демак Шарқ ижтимоий тараққиёт тадрижий ривожланган тамойилларига асосланади. Унга кўра фикрламайдиган одам ожиз, фикрланмайдиган жамоа ташаббуссиз ва фикрлаш тўхтайдиган замон турғунликка маҳкум бўлади, Шўро даври тоталитар жамияти фикрлашни хуш кўрмасди. Шу сабабли бу жамият кишиларида, айниқса раҳбарлик тизимида ўтирганларда ташаббус эмас, кўркўрона бажариш, «есть» қилишлик каби тамойиллар хос эди. Бундай стереотипдан қутулишни Президент 1989 йилдаёқ ўртага қўйган эди. «Биз раҳбарлар масалаларни қатъият билан, билимдонлик билан ўртага қўйишимиз, уларнинг ҳал этилишига изчилик билан эришимиз, ҳар қандай ҳолда ҳам айбни бировларга тўнкамай ва бировларнинг орқасига яширинмай, масъулиятни ўз зиммамизга олишишимиз керак». Ҳақиқатан ҳам, раҳбар шахснинг мустақил фикрлаши жамиятда тезроқ янгича тафаккур тарзининг шаклланишига таъсир этади. Афсуски, раҳбарлик тизимидаги кўпчилик кишилар ҳамон тоталитар жамиятдан мерос қолган иллатлардан қутула олмаяпти.

Иккинчидан. Ҳар бир кишида юксак даражадаги онгнинг шаклланишига эришиш. Илгари бу масала ҳам бирёқлама ҳал этилган бўлиб, дунёқарашда оқ ва қорага асосланган коммунистик тушунчалар устивор эди. Инсоний ҳақиқатлар ва реал шарт-шароитлар ҳисобга олинмасдан идрок қилишга тақдим қилинар, кишилар онгининг даражаси инқилобни тушуниш-тушунмаслигига қараб белгиланар эди. Натижада онгсиз онгли одамлар дунёга келтирилди. Лекин Президент бундай ҳолатни рад этади. У дейди: «Бизнинг вазифамиз — ривожланган мамлакатлар қаторига чиқиб олиш. Жисмоний, маънавий, моддий жиҳатдан соғлом авлодсиз бунга эришиб бўлмайди... Соғлом деганда биз фақатгина жисман бақувват фарзандларимизни эмас, балки маънавий бой авлодни ҳам кўзда тутганмиз. Чунки ҳар томонлама соғлом авлодга эга бўлган халқни ҳеч қачон енгиб бўлмайди».

Демак, юксак даражадаги онглилик бу «маънавий бой бўлиш»ликдир. Президент бу тушунчанинг бутун авлодларга таааллуқли эканлигини уқтиради ва «маънавий бой авлодни соғлом авлод» ҳисоблайди. Афсуски, шўро даври тоталитар жамиятидан мерос қолган онгсиз онглилик ҳамон мавжуд. Биргина мисол. 1997 йилда олий ўқув юртларининг ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича 118 мутахассис-олимлари орасида сўров ўтказилди ва сўровнома ҳайратли даражадаги натижани берди.

Мана, сўровномадаги муайян саволларга уларнинг жавоблари: «Сиз шўро даврининг тарихдаги ролини қандай баҳолайсиз?» деган саволга сўровда иштирок этганларнинг 10 фоизи «ижобий» деб жавоб берган. Сўров қатнашчиларнинг 50 фоизи ватан тарихида КПССнинг тутган ўрнини ижобий баҳолаган. Шўро давридаги Ўзбекистон халқининг ижтимоий аҳволини сўровда қатнашганларнинг 62 фоизи ўрта, 26 фоизи юқори, 12 фоизи паст эди, деб баҳолаган. Диққат қилинса, сўровда иштирок этганларнинг 90 фоизидан кўпроғи фан докторлари, кандидатлари, доцент ва профессорлар. Бу ҳолни онгсиз онглик деб баҳолаш мумкин, халос. Айни пайтда тоталитар жамият тарихга турли ақидавий фикрларнинг ва изинларнинг юксак чўққисига кўтарилган бир давр сифатида кириши маълум бўлиб қолди.

Президент онгliликни инсоннинг ўз қадрига етиб яшаши ва бутун инсониятнинг глобал муаммоларини ечишда фидоий бўлишлик деб уқтиради. У онглилик деганда нафақат бугунни, балки эртани ҳам кўради. Унинча, «XXI аср маънавият асри, маърифат асри, илм-фан, маданият ва ахборот асри бўлади». Хўш, биз бунга тайёрмизми? Ҳар бир киши ўз-ўзига шундай савол бергандагина онглилик сари уйғониш ва уни тушуниш келиб чиқади.

**Учинчидан**. Ҳар бир кишида янги замон талабларига жавоб берадиган дунёқарашни шакллантиришга эришиш. Президент бу масалани кун тартибига қатъий қилиб қўяди: «Ақлий заковат ва руҳий-маънавий салоҳият маърифатли инсоннинг икки қанотидир».

Демак бизнинг таъсис этаётган жамиятимизда дунёқараш масаласи муҳим ўрин тутади. Дунёқараш бу — инсоннинг жамиятидаги ўз ўрни, воқелик ва ўз-ўзига бўлган муносабати ҳақидаги тасаввурлар тизимидир. Ўзгача айтганда, дунёқараш бу — инсоннинг дунёни маънавий амалий ўзлаштиришининг асосий усулидир.

Шу сабабли Президент дунёқараши шаклланган кишини «маърифатли» инсон» деб айтади. Бунинг замирида жиддий бир ғоя фарз бўлган. Унга кўра, дунёқараши юксак бўлган одам замин ва замоннинг, Ватан ва инсониятнинг тақдири учун масъул шахсдир.

Президент таърифича, дунёқараш «ақлий заковат ва руҳий салоҳият» унсурларини бирлаштириш билангина ҳосил қилинади. Диққат қилинса, Президент Шўро даври тоталитар жамиятида удум бўлган мафкуралаштирилган дунёқарашни рад этади. Аксинча, бундан фарқли ўлароқ Шарқ ва инсоният тажрибаларини уйғун ҳолда ўзлаштирувчи дунёқараш назариясини илгари суради. Бу янгича тафаккур тарзини шакллантиришнинг энг ўзак масаласидир.

Шундай қилиб, жамиятда ўзига хос янгича тафаккур тарзини шакллантириш ғоялари Президент томонидан илгари сурилган. Бунда жамиятда кечаётган ислоҳотлар жараёнининг ҳар бир кишига манфаат келтириши тамойили фарз бўлган. «Ислоҳот инсон учун мазмунидаги тамойил буни янада ойдинлаштиради. Бунинг учун албатта жамиятнинг маънавий асоси бўлиб хизмат қиладиган янгича тафаккур тарзи лозимдир. Бундай тафаккур шакли ҳар қандай маънавий ва сиёсий стереотиплардан бутун ҳоли бўлади.

Президент томонидан илгари сурилган янгича тафаккур тарзини шакллантириш назариясига диққат қилиш лозим. Чунки унда кишининг фикрлаши, онгли ҳаракати ва мустақил дунёқарашидан жамият тараққиётига қараб борилади.

**Рустам ЖУМАЕВ,**
**сиёсий фанлар доктори**

## ЭЛ-ЮРТ ҚАҲРАМОНИ

### ЎЗБЕКИСТОНДА АБДУЛҲАМИД СУЛАЙМОН ЧЎЛПОН ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН УЛКАН ТАНТАНАЛАР БЎЛИБ ЎТДИ

Истиқлолимизнинг илк паллаларида Президент Каримов Ватан мустақиллиги йўлида жонларини фидо қилган маърифатпарвар, элпарвар, миллатпарвар, маданийпарвар аждодларимизга муносиб баҳо бериб, ҳақиқий қаҳрамонларимиз деб таърифлаган эди. Миллатнинг ўша ҳеч қачон ўлмайдиган қаҳрамонлари қаторида Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон ҳам бор эди. Чўлпон номи миллий ҳаётда бутунлай янги давр билан, янги адабиёт, янги шеърият, янги маданиятнинг дунёга келиши билан чамбарчас боғланган. Чўлпон фақат шоир, адиб, драматург, публицист, порлоқ таржимонгина эмас, миллий озодлик ҳаракатимизнинг бошида турган, унга илҳом ва мунтазамлик бағишлаган чин қаҳрамонлардан бири эди. Тошкент Давлат университети, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Фанлар академияси ва хуррам Андижон диёрида ўтган юксак салоҳиятли анжуманларда Чўлпонни ҳақли тарзда Туркистон озодлигининг байроғини кўтариб борган ва сўнгги дамгача уни қўлдан қўймаган буюк халқ намояндаси деб таърифладилар.

Ўзбек шеърияти ва миллат озодлигининг ОЛИМПИЯ МАШЪАЛАСИни кўтариб бориш ҳам Чўлпон қисматига тушди. У юз йилда тирилиб халқнинг бағрига қайтди.

Шоир туғилган юрт ˚ гўзал Андижонда Чўлпон номига азим бир боғ барпо бўлди. Ҳазратнинг рамзий қабри тикланди. Чўлпоннинг вилоят уй-музейи қад ростлади. Андижон тиллар институтига Чўлпон номи берилди ва институт даргоҳида шоир музейи очилди. Чўлпоннинг асарлари чиқмоқда. Заҳматкаш тадқиқотчиларнинг изланишлари тарихий адолатни тиклашга хизмат қилмоқда.

Профессор Алишер Азизхўжаев раҳбарлигида ташкил этилган ҳукумат комиссияси истиқлол қаҳрамонининг номи ва асарларини тиклаш йўлида жон куйдириб жуда катта фаолият олиб борди. Озодлик ва мустақиллик қаҳрамонларининг тикланиши миллий қадриятларимизнинг энг юксак маънода тикланиши демакдир. Чўлпон бугун хассос ҳайкалтарош Равшан Миртожиев яратган ўта мазмундор, ёрқин миллий руҳ билан тўлиқ ҳайкалидан бутун Ўзбекистон ва бутун Турон диёрига нурли нигоҳини тикиб:

*Чечаклар ўсгуси кўз ёшларимдан*
*Бўғинлар унгуси ўйлашларимдан*
*Қалблар юмшагуси сайрашларимдан*
*Севги чаманида яйрашларимдан —*

деб нидо солади. Ва унинг бу каромат нидоси халқимиз қалбидан абадий акс садо топади.

**Иброҳим ҒАФУРОВ**

***Муҳаммад ЮСУФ***

### ЧЎЛПОН

*Ўлса ўзи ўлар,*
*Сўзи ўлмайди.*
*Ҳамиша барҳаёт насл шоирлар.*
*Ҳақиқий шоирнинг қабри бўлмайди,*
*Юракка кўмилар асл шоирлар.*
*Йўқса йўқламоқни ўргатинг менга,*
*Чўлпоннинг гўрини кўрсатинг менга?*

*Хазон билмас боғдир шоирнинг зўри,*
*Сархил мевалари мунтазир бағир.*
*Кўкка туташ тоғдир шоирнинг зўри,*
*Тоғни ерга кўмиб бўлармн ахир?...*
*Эртак сўйламоқни тўхтатинг менга,*
*Чўлпоннинг гўрини кўрсатинг менга.*

*Бошга болиш қилиб қайин дўстини,*
*Балки у ҳоргану ухлаб ётгандир.*
*Душмани тан бериб қўриқлаб уни,*
*Эҳтимол, энг яқин дўсти сотгандир...*
*Рост сўзини айтар уйғотинг, менга,*
*Чўлпоннинг гўрини кўрсатинг менга.*

*Қани шеърни енгган маҳмаданалар,*
*Енг шимариб энган маҳмаданалар.*
*Ўзин чорбоғидан ўзи юлқилаб,*
*Гулханга гул кўмган маҳмаданалар?..*
*Туртиб турғазинг бир, сўзлатинг менга,*
*Чўлпоннинг гўрини кўрсатинг менга.*

*Ўзи қаландару шоир байти шоҳ,*
*Тупроқда гиёҳу осмонда қушдир.*
*Шоирни ўлдирмоқ — сувни ёндирмоқ,*
*Ерни синдирмоқдек мушкул юмушдир.*
*Эй сиз, ўйлаб қилич ўйнатинг менга,*
*Чўлпоннинг гўрини кўрсатинг менга.*

*Сўз бор — ўлган тирик, тириклар жонсиз,*
*Ойдин хотира бор кўнгил гавҳари.*
*Кетар битта-битта ному нишонсиз,*
*Уни йўқ қилмоқчи бўлганнинг бари!..*
*Биттасин номини эслатинг менга,*
*Чўлпоннинг гўрини кўрсатинг менга.*
*Ўлса ўзи ўлар,*
*Сўзи ўлмайди.*
*Ҳамиша барҳаёт насл шоирлар,*
*Ҳақиқий шоирнинг қабри бўлмайди,*
*Юракка кўмилар асл шоирлар.*
*Йўқса йўқлаш йўлин ўргатинг менга,*
*Чўлпоннинг гўрини кўрсатинг менга!*

## ЎЗБЕКИСТОН — ГЕРМАНИЯ

# «ГУД», «О'КЕЙ» ДЕБ ОЛҚИШЛАШДИ

***Шу йилнинг 6-15 ноябр кунлари Германиянинг Любек шаҳрида ўзбекистонлик таниқли рассом Ортиқали Қозоқовнинг кўргазмаси бўлиб ўтди. Мухбиримиз мусаввир билан учрашиб, унга бир неча саволлар берди.***

**— Ортиқали, аввало сизни барча газетхонларимиз номидан Ўзбекистон бадиий академиясининг олтин медали соҳиби бўлганлигингиз билан қутлаймиз.**

— Раҳмат.

**— Энди кўргазманинг ташкилотчилари ва мақсади ҳақида гапириб берсангиз?**

— Аввало, Любек шаҳри ҳақида икки оғиз гапириб ўтсам. Бу шаҳар Германиянинг шимоли шарқида Болтиқ денгизи бўйида жойлашган. Кўҳналиги, тарихий обидаларга бой бўлгани учун бизнинг Самарқанд, Бухоро, Хива ва бошқа қадимий шаҳарларимиз қатори ЮНЕСКО рўйхатида туради.

Кўргазма ҳақида гапирадиган бўлсам, у «АРТ-М» галереяси ташаббуси билан ташкил этилди. Бу хусусий галереянинг раҳбари Йохим Виллер ҳисобланади. Унинг рафиқаси, санъатшунос Юля Виллер эса турмуш ўртоғининг доимий ёрдамчиси.

Кўргазмага «Тахтиравон», «Шоҳи зинда», «Бибихоним», «Икки дугона», «Юксалиш», «Дўппи сотувчи» каби жами 19 та асар олиб борган эдим. У ерда яна «Любек манзаралари» деб номланган олтита туркум асарлар яратдим. Шундай қилиб, жами 25 асарим кўргазмага қўйилди.

Кўргазманинг очилишида санъатшунослар, коллекционерлар, журналистлар, мусаввирлар, галереянинг доимий мухлислари, ўзбек санъатининг ихлосмандлари иштирок этди. Немисча куй, қўшиқ янгради. Шу пайтга қадар Любекда биронта ўзбек рассомининг кўргазмаси бўлмаган экан. Шунинг учун кўргазмага қизиқиш катта бўлди. Немислар картиналарда ифодаланган миллий колоритга, танланган рангларга кўп қизиқишди. Уларнинг «гуд», «о'кей» деб қўлимни сиқиб қўйишларидан тушундимки, асарларим уларга ёқди. Немисларда, айниқса, Самарқанд, Бухоро ҳақидаги асарлар катта қизиқиш уйғотди. Уларнинг кўплари бундай тарихий обидалари бор шаҳарларни албатта бориб кўриш керак,




деган фикрга келдилар. Шунда мен санъат асари Ватан, юрт манзараларини намойиш қилиш, дунёга кўрсатиш, танитиш воситаси ҳам эканлигини англадим. Кўргазма давомида саккизта асарим санъат мухлислари коллекциясидан жой олди. Яна ўн бешта картинам эса йил давомида Германияда очиладиган барча кўргазмаларда намойиш этилади.

Менинг Германияга сафарим кунлари бу мамлакатда яна бир ажойиб воқеа бўлди. 16 ноябр куни Берлиннинг Шарлотта Буринг саройида Германияда Ўзбекистон маданияти кунлари доирасида ўзбек рассомлари кўргазмаси ташкил этилди. Мен эр-хотин Виллерлар билан бу тадбирнинг очилишида иштирок этдим. Кўргазмадан менинг «Қўшиқнинг туғилиши» ва «Унутилган тегирмон» асарларим ҳам жой олган.

Сафарим давомида Германиянинг Берлин, Гамбург, Франкфурт каби катта шаҳарларида бўлдим. Немис рассомларининг асарлари билан яқиндан танишдим. Ўзим учун кўплаб янгиликлар кашф этдим. Ўйлайманки, келгусида яратиладиган асарларимда бу нарсалар албатта ўз ифодасини топади. Умуман айтганда, Германияда сўнгги йилларда ўзбек маданиятига, санъатига, тарихига қизиқиши ортган. Сафар чоғида буни яққол ҳис этдим.



**— Шу кунларда нима ишлар билан бандсиз, қандай асарлар устида ишлаяпсиз?**

— Анчадан буён асарларимни йиғиб бир китоб ҳолига келтиришни орзу қилиб юрардим. Худога шукур, бу орзуим амалга ошди. «Шарқ» нашриёт матбаа концернида китоб нашрдан чиқиш арафасида турибди. Бу китобдан 86 та асарим ўрин олган. Шунингдек, мен ҳақимдаги бир неча мақолалар ўзбек ва инглиз тилида илова қилинган. Бу китоб концерн бошқарувининг раиси Ислом ака Шоғуломовнинг ташаббуси билан дунё юзини кўрди. Фурсатдан фойдаланиб, у кишига миннатдорчилик билдираман. Янги асарим ҳақида гапирадиган бўлсам, «Любек манзаралари» туркумини давом эттираяпман.

**— Самимий суҳбатингиз учун ташаккур.**



**Б. УММАТОВ**
**суҳбатлашди**

## ФАРҒОНАДАН ЧИҚҚАН УЛУҒ МУНАЖЖИМ

Президент Ислом Каримовнинг фармонига кўра Хоразмда Маъмун академиясининг қайта барпо этилиши, аждодларимиздан бири Аҳмад Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигини ўтказишга бел боғланганлиги умуминсоний қадриятларимизнинг тикланиши, илмфаннинг равнақи, миллий онгнинг куч олиб ўсишига хизмат қилади. Тарих бизнинг мударрисимиз ва муаллимимиздир.

«ШАРҚДА ҳосиб — математик деган лақаб билан шуҳрат топган Аҳмад Фарғонийнинг астрономия, география ва астролябия соҳасидаги асарлари бу фанлар тараққиёти тарихига салмоқли ҳисса қўшди. Ўзидан кейинги ўтган олимлар учун кўп асрлар давомида асосий қўлланма бўлди. Ал-Фарғоний деган ном айниқса, астрономия ва география фани соҳасида абадий сақланиб қолди. XI асрдан бошлаб Испанияда «араб астрономлари ва математиклари» номи билан шуҳрат қозонган ўзбек олимлари жумладан, ал-Фарғоний ва ал-Хоразмий асарлари лотин тилига таржима қилина бошланди...»

МИЛОДИЙ минг йилликларнинг бошларида «Фарғонанинг 40 минораси бўлган...»

«МУҲАММАД Хоразмий Маъмун даврида Донишмандлар уйидаги кутубхонага бошчилик қилар эди. Кутубхонада 400000 жилд ҳинд, юнон, сурёний, арабий, форсий, қибтий тилларида ёзилган китоблар сақланарди...»

«Аҳмад Фарғоний Маъмун даврида Бағдоддаги обсерваторияда илмий тадқиқотлар олиб борар ва обсерваториянинг маъмурий ишларини бошқарар эди...»

«Аҳмад Фарғоний ер думалоқлигини рад этиб бўлмас далиллар билан исботлади...»

«Аҳмад Фарғоний Қоҳирада Нил дарёсининг сувини ўлчайдиган янги ўлчов асбоби — «миқёси жадид»ни яратди...»

Ҳозиргача Шарқу Ғарбнинг энг йирик кутубхоналарида Аҳмад Фарғонийнинг «Сайёралар илмининг жами ва самовий ҳаракатлар усули ҳақида китоб», «Устурлоб ҳақида комил китоб», «Устурлоб санъати ҳақида», «Ўттиз фаслдан иборат Мажастийга кириш китоби», «Етти иқлим китоби» сингари буюк асарлари сақланиб қолган... Бу асарлар Европа ва жаҳон илм-фанининг тараққиётига жуда катта таъсир кўрсатди.

**А. Носиров ва Ҳ. Ҳикматуллаевнинг «Аҳмад Фарғоний» китобидан. 1966 й.**

***«Саодат»нинг 6-сони ўқувчилар қўлига тегди***

## ЭҲТИЁЖ ҲОСИЛИ

«Сермева дарахт — боғбоннинг бахти. Узоқ йиллар мевасидан, соясидан баҳраманд бўлади боғбон».

«Саодат»ни қўлга олар экансиз, ҳали мақолаларни ўқимай туриб, шошиб расмларини томоша қиласиз. Ростонбувининг рост гапларига, «Фойдали маслаҳатлар»га кўз югуртириб чиқасиз. Ахир керак-да буларнинг ҳаммаси. Эҳтиёжнинг ҳосили бўлмиш журналнинг янги сони тайёр. Нигоҳингиз қирраси дастлаб «Энг улуғ, энг азиз» мақоласига тушар экан, хотирангизда «Шарқ тароналари» садоси тикланиб, бир нафас мозийга қайтиш қиласиз. Чунки ўтмиш ҳақида ўйламай туриб, келажакнинг пойдеворини ташлай олмайсиз-да. Мақола Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиева қаламига мансуб.

Қорақалпоқ аёлларининг ҳаёти билан Қутлибека Раҳимбоеванинг «Ишончнинг илдизи юракда» мақоласи орқали яқиндан танишасиз.

1997 йил — Инсон манфаатлари йили. Жонкуяр журналист Гулчеҳра Жамилова шу қутлуғ йилдан нажот, ёрдам, маслаҳат сўраб Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасига келган арзномалар таҳлилида ўзининг яхши хабарлари билан аёлларимиз кўнглига чироқ ёққанлар. Мазкур йил манфаатидан кичкинтой дўстларимизнинг ҳам руҳи тетик, ишончлари қатъий. Мухбиримиз Хамробонуқнинг Болалар саройи директори Олия Иброҳимова билан уюштирган суҳбатида болалик орзу-умидлар ҳақида баён қилинади. Фидоий аёлларимиз ҳақида ёритилган Иброҳим Донишнинг, андижонлик Маҳфуза Норбоеваларнинг мақолалари ҳам кишини бефарқ қолдирмайди.

Маъмура Абдураҳимованинг «Дард», Абдуқаюм Йўлдошнинг «Тўй» деб номланган ҳикоялари таъсирчан. Худди ундаги воқеаларни кўриб тургандек, иштирок этаётгандек бўласиз. Шоира Ибодат Ражабова шеърларини ўқир экансиз, сурат билан сийратнинг якдиллигини беихтиёр соғинасиз. Тамара Хуммаматова, Самия Сулаймонова, Венера Ҳожиева, Маруса Ҳосиловаларнинг шеърлари ўзининг бетакрорлиги билан эътиборни тортади.

Тарих фанлари доктори Мирсодиқ Исхоқов муқаддас китоб саналган «Авесто»нинг ўзбекчалаштирилган қисмларини кенг ўқувчилар эътиборига ҳавола этадилар. Ғафуржон Сатимов бизга бобурийлар меъморчилик санъати ва бобурий маликалар ҳақида «Мумтоз Маҳал» бадиҳасида ажойиб янгиликлардан ёзади.

**«Саодат» журнали индекси**

**Якка шахслар учун — 867.**

**Ташкилотлар учун — 868**

**Дилором ИСМОИЛОВА**

## НОҒОРА ЧАЛИШДАН АВВАЛ...

Андижонлик фаол мухбирларимиздан Жалолиддин Турдиев таҳририятимизга сим қоқиб, хат орқали муҳим бир хабар юборганини маълум қилди. Хабар ўз номи билан хабар. Уни кечиктириб эълон қилиб бўлмайди. Шунинг учун Жалолиддин аканинг хатини кутдик. Лекин у роса тўққиз кун деганда етиб келди. Биз бу пайтда нафақат навбатдаги газетани, балки кейингисини ҳам чиқариб бўлган эдик.

Айтишларига қараганда, умуман техника бўлмаган қадим замонларда ҳам савдогарлар хат ва турли совға-саломларни Андижондан Тошкентга бир ҳафтага қолмай етказиб келган экан. Ҳозир биз компьютер асрида яшаяпмиз. Андижон ва пойтахт ораси самолётда бир соатлик йўл. Унда хат нега тўққиз кун юрди?

Шу саволга жавоб топиш учун конвертдаги муҳрга қарадим. Хат 31 октябр куни Андижондан жўнатилиб, биринчи ноябр куни пойтахтимизнинг бош почтасига етиб келган. Кейин эса етти кун қаердадир ётган. Ва 8 ноябр куни таҳририятга юборилган.

Хатни олиб почтамтга бордим. Уни кўрганларнинг ҳаммаси елка қисишди. Алмашув участкаси бошлиғи Инесса Тошмуҳамедова ва эксплуатация бўлими бошлиғи ўринбосари Александра Иванова конвертни кўтариб нималарнидир аниқлашга уринишди. Лекин натижа чиқмади. Шунинг учун мендан конвертни ташлаб кетишимни, чоршанба кунигача айбдорни топиб жазолашларини, кейин натижасини бизга маълум қилишларини айтишди.

Балки бугун айбдор топилгандир. Аммо бундан бизга нима фойда. Муҳим хабар кечикиб бўлди. Ва бу манзилга бир-икки ҳафта кечикиб келаётган ягона хат эмас.

Мени бир нарса ўйлантиради. Ҳозир бирор кишига пул жўнатсангиз, алоқачилар юбораётган пулингизни ўн фоизи миқдорида, ташкилот пул жўнатаётган бўлса 16 фоизи миқдорида ҳақ олишади. Бу дегани юз минг сўм пул жўнатиш учун 10 минг, ташкилот эса 16 минг сўм ҳақ тўлайди. Ҳатто жўнатилаётган алиментнинг ҳам ўн фоизи олиб қолинади. Оддийгина буюртма хатнинг нархи 20 — 30 сўмга чиқиб кетган. Сўнгги йилларда муаллифларимиз қалам ҳақларини иложи борича почта орқали юбормаслигимизни илтимос қилишаяпти. Чунки почта қалам ҳақининг ҳам ўн олти фоизини олиб қоляпти. Лекин ўзларининг вазифаларини қойиллатиб бажариб қўйишга келганда эса... Хизмат кўрсатиш даражаси ўта паст бўлган ҳолда таърифларнинг бунчалик ўсиб кетишининг сабаби нима экан? Ахир, ҳақ хизматга, унинг сифати, маданияти даражасига яраша белгиланиши керак эмасми? Почта хизмати ходимлари наҳотки «аввал ўзингга боқ, сўнг ноғора қоқ» деган мақолни унутиб қўйишган бўлса?

**Беккул ЭГАМҚУЛОВ**

### ҲАДЯ

Фи сабилиллах1 азиз жонларини фидо қилған, ўз кафанларини ўзлари кийган, шаҳодат2 шарбатини нўши жон қилган йигитларимиз, шаҳид боболаримиз достони ва аждод воқеаларини иҳтиво3 этган бу «Китоб» улуғ Туркистон афродидин4 ҳар бир фарда бирор тарихий армуғон, халқимиз учун бир ёдгордир. Келажак наслларига ибрат лавҳаси, оталар туҳфасидир, ибрат саҳнаси, боболар ҳадясидир.

Бу ҳадя оталаримиз, боболаримизнинг дин ва ватан учун тўкулган қорорларидин, харжлаған жонларидин, берган қурбонларидин гавдалик бир тимсол, жонлик ва кўзга кўринарлик бир шоҳид, ибратомуз бир ҳайкалдир. Тарихий бир хотира, бадиий бир обида, яъни улуғ Туркистон фожиасидир.

### САБАБИ ТАЪЛИФ

Улуғ Туркистон аҳолисининг шижоати, қаҳрамонлиғи, ғайрати, ватанпарварлиғи, дину диёнати, сиёсий важҳлари7, истиқлол мафкураси, ислом диниға қилған хизматлари, фи сабилиллаҳ жиҳод йўлида миллионлаб берган қурбонларини, шаҳидларини тарих саҳифаларида кўрсатишдир.

Русларнинг мусулмонларни зарариға, билхосса Туркистон аллайҳинда8 беш,ўн асрлардан бери тутган йўллари, сиёсатлари, ҳийла ва найрангларидин ва яна бизнинг замонамиз — йигирманчи асрда бўлған сиёсатда ўйингоҳларидан баҳс этиб, русларнинг фирибгарликдаги маҳоратларини юзага чиқариб янги наслларга талқин этиш, дину ватан душманларини Туркистон саҳнасида ўйнатган ролларини Туркистон авлодига, келажак наслларига билдиришдир.

Диний вазифаларини, миллий ҳақларини лойиқила адо қилғон туркистонликларнинг диний мужоҳадаларини9, миллий мужодалаларини10, унга оид ҳодисаларини, алим11 воқеаларини айнан ёзиб тарихга мол қилиб12 воқеаларни аслини саҳнага чиқариб, ер юзидаги мусулмонларга омматан, турк оламига хоссатан хотира ўлароқ тақдим этишдир.

### КИРИШ

Туркистон фожиалари у қадар қоришиқ, у қадар аралашқуралашдирки, ҳеч нарсага ўхшатиб бўлмайдур, зеро мисли тарихда кўрилмагандур. Шунинг учун уни танизим13 ва тансиқ 14 этиш маржон каби бир ипга чизилгандек шодашода қилиб сотартларга жойлаштириш, саҳифаларни тазйин15 қилиш осон эмасдур. Чунки улуғ Туркистонда пайдо бўлған қоришиқ ҳодисалар, ҳодисалар устига туғулған ҳодисалар бамансилан шулки, чеккалари кўрунмайдурган баҳри16 муҳитни чуқурлигига ва канорасига17 етиб бўлмаган шўр дарёни ўзгинасидур.

Менга ўхшаб жисми чарчаган, ҳислари ва фикрлари чарчаган, вужуди бутунлай чарчаб ўзи, кўзи ва сўзи ҳам чарчаган, бари учун, хусусан, ғурбат диёрида дучор бўлған, муҳожират ҳаётида чор ва ночор минг турлик мушкилотлар сабабли саналардан бери тўплаған моддалар, тарихий воқеаларни ўз вақтида ёзилиб келган хотира дафтарлари йўқолиб, Ҳимолай тоғларида, йўлларда, ҳар замонда, ҳар маконда, Осиё чўлларида қолиб нисайн мансиййан18 бўлгани учун бу хизматни тамомлаш манга зўр келди. Аммо юртбошларимизнинг ташвиқ ва тарғиблари-ла ва бошқа қалам аҳлининг тавсия ва ташжиълари19, бунинг узасига аржумандим20, Муҳаммадаминнинг жиддий талабалари қалам тебратишга мани савқ этди.21. Комёб22 бўлинмаган тақдирда такмил қилиб табъ ва нашрига ҳиммат қилишга дўстларим сўз берди, менга ҳам итмийнон23 ҳосил бўлди. Бинoан алайҳ, юртимизнинг муҳим фожиасини ёздим.

Қасдим — ватан учун миллий хизматда бўлғанларнинг исмларини иҳё24 қилишдур.

Бу ҳақда ҳамд ўлсун, аввало ҳофизада қолған воқеалар моя (хамиртуруш) бўлди, сўнгра кекса юртдошлардан эшитган ҳикоялар ёрдамчи бўлди. Қолаверса, билимли зотларнинг иршодлари25 ва дилдорликлари бизга қувват бағишлади. Хулосаи калом Туркистон ҳодисаларини, фожиаларини ёзиб, бир навъ риштага26 чизиш мумкин бўлди.

Бу мавзуъда хизматлари сабқат27 этган устозларга, фозил ҳамшаҳарларимизга миннатдорлигим боқийдур. Нечук миннатдор бўлмайликки, аларнинг ташвиқ ва таҳрикларила28 тарих тилга кирди, қалам ёзди, ватан фожиалари жонланди. Халқнинг истифодаси учун китоб майдонга чиқди.

Ҳадафимизда 29 — фақат диний-миллий мавжудиятимиз ила Туркистонни мудофаасидур. Туркистондур бинга иҳлос, ватанга муҳаббатдур.

Ғоямиз — жаннатдин бир парча ва ёҳуд Осиё жаннати дейилса арзийдиган файзли, барокатли туфроқлар, турлик маъданлар, оқар сувлар, боғларила шуҳратланган, жаннат осмонида бўлса, ости — Туркистон, агар жаннат ер остида бўлса усти Туркистон бўлган азиз ватанимизни мудофаа қилишдур.

*Чидолмай кўрдугум*
*ҳақсилига тарки ватан*
*қилдим,*
*Ўрус зулми-ла жисмим*
*ёрадур, қатъи чаман*
*қилдим.*

Туркистон фожиасига оид ёзилған турли асарлар, мақолалар дохилда30 бўлсун, хорижда бўлсун, хийла бордур. Сўнг асрда Туркистон ҳодисалари матбуот оламинда турлик тилда дунё бўйинча тарқалди, аммо ёзилмаған воқеалари ёзилғанидан кўпдур. Хусусан, Фарғона фожиалари, Фарғона мужоҳидларининг фаолиятлари, Хўқанд мухторияти ҳақида тафсилотлик бир асар ёзилмади. Ёзилғанлари босилмай қабристонга кўмулиб кетди.

Биз Туркистон фожиасидан баҳс этарканмиз, баъзи андишалар ила бу ҳақда босилған, ёзилған асарлардаги воқеалар такрорланмасун деб муҳтарам ўқувчиларга арз ўриндурки, Туркистон фожиасини Туркистон ва Бухоро ва Шарқий Бухоро қисмига оид ҳодисаларни, у ердаги Анвар пошо ҳаракатларини Абдуллоҳ Ражаб Бойсуннинг «Туркистон миллий ҳаракатлари» исмли 1945 мелодий йилда Истанбулда босилғон китобига иктифо31 қилинди. Шундай бўлса ҳам, Анвар пошонинг Туркистон (она юрти)га қадам босмай туруб, Москов ва Бокудаги фаолиятларини мухтасар қилиб ёзилди. Самарқандга ва музофотига оид бахщи оид баъзи ҳодисалар ёзилса-да, баъзиларини воқеанавис профессор Заки Валидийнинг 1969 йиолда истанбулда босилган «Хотираларим» исмли китобига ҳавола қилинди. Қумул. Қора шаҳар, Оқсув ва атрофи учун Фўлад қорининг «Ўлка тарихи»га, Хўтан кўзғолонлари ва унга оид воқеаларни муфассал ёзилган — 1391 ҳижрий йилда Кашмирда босилган «Шарқий туркистон»нинг миллий инқилоб тарихи» исмли Муҳаммадамин Буғронинг китобига кўз ташлашларини савоблик кўрулди.

Воқеанависларга маълумдурки, Туркистонга оид хотиралар кўпдур, у воқеаларни ҳар қанча ёзилса, яна оздур. Зеро воқеалар алимдур, ҳодисалари ҳазиндур. Қалами кучлик, маълумоти етарлик фозилларимиз ҳиммати-ла на қадар ёзилса, яна ҳаққи-ла ёзиб тамомлаш мумкин эмасдур. Туркистон фожиаларига оид ёзилган китоблар, бошқалар фақат мукаммал бир тарихни вужудга чиқарилиши учун замонасининг тарихчиларига баробар манба ўла биладур, ўшандоқ муаррихларимизга оз бўлса-да, бир хизматда бўлиш нияти ила бу фожиа қаламга олинди, шояд фойдаси бўлур. Ҳеч бўлмаганда, асрлардан кейин ёзиладурған катта бир тарих китобларга бир муқаддам бўлса керак. Яъни катта бир уйни кичик бир калид очиб берганидек, баъзи мажҳул воқеаларни, тарихда унутилган ҳикояларни инкишофига32 бир восита бўлур.

Туркистонда зуҳурга чиққан алим фожиаларни ёзишга жасорат қилғон бир адиб ҳам ёзғон ҳодисалари учун ва ҳам ёзмағон ҳодисалари учун икки тарафлик туҳматга, забондарозларни33 ҳужумига учраши эҳтимолдан узоқ эмасдур. Хирадмандлар: «Китоб ёзғон нишонга олинадур», — дерлар. Аммо яна бир ноҳиядан34 боқилса, фожиа замонининг бешикдаги гўдаклари бугун йигит бўлди, у вақтдаги навқиронларнинг сочлари оқариб ихтиёр* бўлди. Орадан бу қадар узун муддат кечдиги ҳолда ҳануз ватан озод бўлмади, ватаннинг асоратидан қутулғанини кўриш бизга насиб бўлмади. У давлатга етолмадик, шояд сизлар етарсизлар, деб келажак наслларига атаб ботарихимизни ёзиб ҳадя қилинди.

* * *

Зотан Туркистон тарихи ҳақиқий чеҳрасила майдонга чиқмаса, Туркистон фожиаларининг сири очилмайдур. У ҳолда русларнинг пропагандалари, ноҳақ даъволари такрор туркистонлиларга ҳоким бўла бошлайдур. Дуруст «Тарих алданса, нима бўладур?» деган савол келадур. Арз ўлинурки, ўз тарихини ҳаққи-ла билмаган насллар ота-боболари тушган чуқурга тушадур. Тарихиндин узоқлашған ҳар бир миллатнинг оёқда туриши кучдир — зўрдир35. Шу ҳолда душман ўзининг хабосотларини майдонга чиқарадур, ватанни бундан баттарроқ ҳолга, истиморга36, маънавий харобаликка хоҳлаганидек қилиб суруклайдур, туркистонликлар ҳам қайси замонда бўлса бўлсун, ўлук уйқусида марқадларида37 ётган бўладур (Худо сақласун).

Тарихга ошно бўлиш зарурдур. Тарихни таъриф қилиб Ибн Халдун айтадур, «Тарих авомни ўтган воқеаларга воқиф қиладур, хосни38 яширин сирларга ориф39 қиладур. Тарихда алданмасликнинг олдини олиш керак. Шунинг учун Туркистон тарихини, Фарғона фожиасини, Шарқий Бухоро воқеасини, Хўқанд мухториятини ёзилиши ила баробар Қошғарда воқеъ бўлған маҳшатлик қатлу қитолларни, янги Ҳисордаги тутган ҳийлаларини, тўкулган қонларни, Хўтан ҳодисаларини, Ёрканд исёнларини, олти шаҳар кўзғолонларини ёзилиши лозимдур. Туркистон мунавварлари40 бунинг масъулларидандур. Фақир ҳам масъулиятни мудрикларидиндурмен41. Бу мавзуда қаламларини тебратмаган аҳли қаламни, адибларни миллат авф этмаса, ҳақлидур.

Тарихда ҳар миллатнинг афроди фақат ўз динига, ўз ватанига, ўз миллатининг фойдасига хизмат қилиб келгандур, бошқаларга хизмат қилмайдур, агар қилса ғаразликдур. Чунончи бир француз, бир олмон, бир американ ўз миллати, ўз дини манфаатини ташлаб, бошқа бир миллат манфаатига ишламайдур. Агар ишласа, манофиъ42 муштарак бўлған тақдирда чолишадур. Бир инглиз на қадар ўқимишли бўлсун, маданий бўлсун, французликни инглизликка устун кўрмайдур. Бир олмон қанча билимлик бўлсун, Можористон фойдаси учун олмон манфаатини фидо қилмайдур. Бир ўрус ҳар қанча ўқисун, маданий бўлсун, дунё маданиятига эга бўлсун, Москов фойдасини ташлаб, Туркистон фойдасига тарих ёзмайдур.

Хулоса: ҳар миллат ўз тарихини ўзи ёзғанидек, Туркистон тарихини ҳақи-ла, ҳақиқати ила бир туркистонли ёзадур:

Кафан кийиб отқа минган фидойи шаҳидларимизнинг воқеаси, башариятнинг бешиги бўлған Ўрта Осиё фожиаси ҳаммамизнинг фожиамиздур. Турклар она юрти учун, туркистонлилар жон-жонони — ватани учун у ҳодисаларни майдонга чиқарсалар, дунёга билдирсалар, тарихга мол қилсалар, ҳиммат қилсалар, арзийдур. Фардларнинг ғояси, мафкураси шулдур. Шул сабабли динига, ватанига хизмат қилишни туркистонлилар ўзи илтизом43 этадур. Ўз тарихини ўзи ёзадур, шунинг билан туркистонлилар ўз миллатига хизматлари сабқат этган фидокорларнинг исмларини зинда44 қиладур.

Туркистоннинг ҳазин-ҳазин фожиаларини тарих саҳифасидан, миллатнинг кўнглидан, бутун дунёдан яшириш учун руслар кўп ғайрат қилдилар. Ҳақиқатга яқин келтирмасдан Туркистоннинг ваҳшатлик фожиасини жузъий бир шаклда қилиб, дунёга ўз вақтида тамомланиб кетган қилиб кўрсатдилар. Ҳолбуки, мудҳиш фожиалар сабаби-ла ҳар бир фарднинг туклари тикка-тикка бўлуб, кейинги наслларга муҳим дарслар, ибратлар бордур. Ачинарли жойи шулки, русларнинг ювиндихўрлари, қаламлари сотилғон ёзувчиларнинг ғайрати билан бизни тарихимиз, фожиамизни бўлди-бўлди, ўтди-кетди, босди-босди қилиб тарихнинг бурчакларига отдилар. Ҳақ ва ҳақиқат товушини бўғдилар.

Ваҳоланки, орадан асрлар кечганлигига рағман45 ҳаққоний тарихимиз кўз олдимизда мужассам гавдаси-ла майдонда кўрунуб турадур. Ақли-ҳушида бўлғанлар учун инкорга мажол йўкдур. Душманнинг ўйинларини тарихдан, миллатдан махфий тутганлар ҳам бўлди. Тарихнинг аслини яширдилар, кайфларича46 тасвир этдилар. Қаламларини сотған мирзоларга ҳайф, китобларга ҳайф.

Руслар Туркистон фожиасига оид тарихни таҳриф47 этдилар. Мужоҳидларимизни ва миллий қаҳрамонларимизни «босмачи» дедилар. Тарих ҳеч бир замонда ва ҳеч бир маконда шундоқ таҳриф қилинмади ва таҳқир қилинмағандур. Рус воқеанавислари Туркистон фожиасида рол ўйнаган мужоҳидларимизни бир тўп қароқчи, босмачи шаклида кўрсатди. Зотан, руслар муғолата48 қилиш сиёсатида кўп моҳирдурлар*

Руслар шундоқ пропагандаларини Оврупога ва ўзининг мутаффақ49 дўст давлатларига турли тилда тарқатдилар. Миллатимизни машруъ50 ҳақи, табиий ҳақи бўлған истиқлол даъвосини пардапўш қилдилар, бунга виждонсиз воситачилар сабаб бўлди. Халқ жоҳил, сиёсатдан хабари йўқ, Бу жаҳолатдан фойдаланиб, у сотқинлар душманлик раъйиларини халққа талқин этдилар. Шатранжнинг тошларидек вазифа кўрдилар. Русларга сотилганлар ичида ҳар хил тоифадан мавжуддур. Бу тоифаларнинг тарихий хатоларига Фарғона йигитларининг муборак қонлари дарё-дарё бўлиб оқди. Масъуллар ҳаё қилсун, уялсун, русларнинг фойдасига тузоқ бўлуб ишлаганлар шарм қилсун, ҳаё қилсун. Бу ачинарлик воқеалар бизларга ибрат бўлсун. Унутилмас воқеалардан бири шуки, руслар маданият келтирдик, деб даъво қиладурлар, келтирган маданиятларини бошида дор ёғочлари, зиндонлари, қалъалар (крепост) атрофидан кавланган чуқурларга ботир йигитларимизни тирик-тирик кўмуб, устига оҳак тўкулган қабрлари, кўзга кўрунмаган лаҳадлари — ҳаммаси Московдан келган маданиятдур.

### «БОСМАЧИ» ДЕГАН СЎЗ ҲАҚИНДА БИР-ИККИ ОҒИЗ СЎЗ

Бир вақтлар баъзи ёмон ниятлик, безори йигитлар қўлига силоҳ51 тутуб, ёнига беш-олти ўғрини олиб фурсатдан фойдаландилар. Ўқи йўқ қадимий милтиқлари билан халқни қўрқутуб, молини олиб, юртни бесаранжом қилдилар. Уйларни, дўконларни босдилар. Бундоқ воқеалар дунё бўйича ҳар замонда, ҳар давлатда, ҳамма қавмда бўлуб келгандур, ҳоло52 ҳам мавжуддир. Шундоқ бебош бешўн кишилик ўғрилардан тўпланган ашқиёни53 «босмачи» деса бўладур. Бундоқ шайканинг уҳдасидан чиқғоли бўладур.

Аммо 500000 ва 60000 аскарлари-ла мукаммал силоҳлик, қувватлик бир ўрдуга эга бўлған мухторият ҳукуматини кўра билган миллий мужодала қаҳрамонларини «босмачи» демак ҳақсизликдур, ошкор душман сўзидур.

Бир замонлар осойишни ҳалалдор54 қилған ёмонларни ёмонликда давомлари учун руслар кўз юмдилар, шу вақтларда ўғриларни, ашқиёларни, қароқчиларни, ҳаммаларини «босмачилар» деб от қўйған, айни замонда мужоҳидларимизни55 ҳам «босмачи» (разбойник) деб пропаганда қилдилар. Оврупо ва бошқа давлатлар русларнинг матбуотидан олган хабарларини айнан нашр қилдилар. «Туркистон мужоҳидлари» деб ёзиладиган ерда: газеталарда, мажмуаларда «босмачи» деб ёзиб тарқатдилар. Ҳолбуки, «Туркистон мужоҳидлари» деб ёзиладиган ерда: газеталарда саккиз сана давом этган миллий мужодала даврида миллионлар шаҳид берган мужоҳидларимизнинг мисли Анқарада чиққан миллий мужодала қаҳрамонларига ўхшайдур. Яна бир мисоли Жазоирда Франция ҳукуматига исён қилиб саналарча муҳорабадан56кейин истиқлолга эга бўлган Жазоир мужоҳидлари кабидур. Фақат натижа эътибори-ла Анқара миллий мужодала ҳаракати ва Жазоир мужоҳидлари муваффақ бўлдилар ва лекин Туркистон ноком57 бўлди.

Мужоҳидларимизни, руслар дунёга «босмачи» деб эълон қилса ҳам, баракот берсун, Оврупонинг баъзи муҳаррирларидан ҳақиқатни майдонга чиқариб, Туркистон миллий мужодала ҳаракатларини «Миллий қўзғалиш» деб ёзган ёзувчилар бўлди. Жумладан, Михаил Ривкин «Осиёдаги Русия» исмли китобида «Русларнинг босмачилик деган миллий мужодала ҳаракати, мусулмон миллатчилари Фарғона водийсинда кетдикча ёйилди» деб ҳақиқатан ҳолни очиқ ёзиб нашр қилди*

Бундан бошқа асарлар ҳам кўпдур, ўз мақомида ёзилса керак.

Хулосаи калом, «Босмачи» деган ифтиро(56), ҳақсизликни мудофаа қилиш биз, туркистонликларга тушадур. Тарихда ўз ҳақини ўзи ҳимоя қилмаған, ўзи талаб қилиб олмаған бир қавм, вақти ўтгандан кейин мудофаасидин, ўзимиздин бўлғанлар ҳам ноҳақ фикрга қўшулуб кетадурлар. Бундоқ ўринсиз ҳужумни дафъ қилиш учун туркистонликларни афродидин ҳар бир фардни кўшиш60 қилиши лозимдур, зарурдур...

Туркистонлиларнинг диний мужоҳадалари, миллий мужодалалари руслар тарафиндин босмачилик сифати ила доимо юзимизга сурулган сиёсий бир тамға бўлди...

Улуғ Туркистон афродидин ҳар бир фарднинг зиммасиға тушған вазифасидурки, ёшларни қалбларига ушбу мафкурани эксун, суғорсун, кўкартирсун, чунки ўша қаҳрамон аждоднинг авлодидурлар...

**1. фи сабилиллаҳ — аллоҳ йўлида. 2. Шаҳодат — шаҳидлик. 3. Иҳтиво — ўз ичига олган. 4. Афрод — кимсалар, шахслар (бирлиги фард).**

**6. Таълиф — ёзиш. 7. Сиёсий важҳ — йўл. 8. Алайҳинда — ...га нисбатан, зарарига. 9. Мужоҳада — саъй ва ғайрат, курашиш. 10. Мужодала — тортишув. 11. Алим — аламли. 12. Мол қилиб — материал, факт маъносида. 13. Танзим — тартибга, тизимга тушириш. 14. Тансиқ— мувофиқлаштириш.**

**15. Тазйин — зийнатлаш. 16. Баҳр — денгиз. 17. Анора — қирғоқ. 18. Нисайн мансиййан — бутунлай унутилгани учун. 19. Ташжиъ — жасоратлантириш. 20. Аржуманд — фарзанд. 21. Савқ этди — ундади. 22. Комёб — мақсадга етмоқ. 23. Итмийнон — тўлиқ ишонч. 24. Иҳё қилмоқ — тирилтирмоқ. 25. Иршод — тўғри йўл.**

**26. Ришат — ип. 27. Сабқат — илгари. 28. Таҳрик — ҳаракатга келтириш. 29. Ҳадаф — мақсад. 30. Дохил — кирувчи; бу ерда: Ватан маъносида.**

**31. Иктифо — кифояланиш.**

**32. Инкишоф — кашф этилиш. 33. Забондароз — тили узун. 34. Ноҳия — тараф. 35. Зўрдур — қийиндир маъносида. 36. Истиъмор — босқинчилик. 37. Марқад — қабр. 38. Хос — алоҳида фазилатга эга бўлган киши. 39. Ориф — билувчи. * ихтиёр — кекса.**

**40. Мунаввар — бу ерда: зиёлилар маъносида. 41. Мудрик — идрок этувчи. 42. Манофиъ — манфаатлар. 43. Илтизом — мажбурият, ўз зиммасига олиш.**

**44. Зинда — тирилтириш. 45. Рағман — қарамай. 46. Кайфича — хоҳишича, 47. Таҳриф — бузиш, ўзгартириш. 48. Муғолата — ёлғонламоқ, алдамоқ. * Масалан, 1956 йил қавс ойинда Бирлашмиш Миллатлардаги рус делегацияси Можористоннинг ҳурриятчи қаҳрамонларини «босмачи» деб таъриф қилди. Руслар тарафиндан бўлган сургун сиёсатини ҳам инкор этдилар.**

**49. Мутаффиқ — иттифоқлашган. 50. Машруъ — қонуний. 51 Силоҳ — қурол-яроғ. 52 Ҳоло — ҳозир. 53. Ашқиё — ярамас, ёвуз кишилар.**

**54. Ҳалалдор — нуқсон етказувчи. 55. Мужоҳид — дин ва миллат учун курашувчи. 56. Муҳораба — уруш. 57. Ноком — ниятига етолмаган; маҳрум. * «Осиёдаги Русия». М. Ривкин. Қутулиш учун мужодала фасли. 34-40 саҳифалар.**

**58. — Ифтиро — бўҳтон, туҳмат. 59. Мутолаба — талаб қилиш. 60. Кўшиш — ҳаракат, тиришиш.**

## ВАТАННИНГ ҲАСРАТЛИК ЁДИ

**Туркистон тарихига оид эътиборингизга ҳавола қилинаётган қуйидаги лавҳалар Муҳаммад Мусо Туркистонийнинг 1399 ҳижрий (1979 мелодий) да Саудия Арабистонида босилган китобидан олинган. Китобнинг номи «Туркистон фожиаси», 422 саҳифадан иборат. Муаллиф ҳақида жуда оз маълумотга эгамиз. Китобда учрайдиган айрим қайдлар, эътирофларга кўра у Фарғона водийсидан. Аср бошларида туғилган, савдо — тижорат билан шуғулланган. Заруратдан, замоннинг зулми билан ғурбатни ихтиёр қилган. Уни таниган айрим кишиларнинг хабарларига қараганда, яқинда, бундан икки-уч йил муқаддам Маккайи Мукаррамада вафот этган.**

**Асардан маълум бўлишича, муаллиф юртимизнинг яқин ва олис тарихидан яхшигина хабардор, уни дил-дилдан севади. Ўзи бевосита гувоҳ бўлган, жабрини кўрган оқ ва қизил ранглардаги колониал зулмни Ватан бошига тушган энг буюк фожиа ҳисоблайди. Ён дафтар тутиб энг муҳим воқеаларни ёзиб боради. Бироқ ададсиз қочқинлару қувғинларда улар йўқолади. Замонлар ўтиб, олис воқеалар тўзони босилади. Бироқ аччиқ хотиралар муаллифга тинчлик бермайди. Дўстлари, ўғли Муҳаммад Амин, унинг салоҳияти ва имкониятини кўзда тутиб, ўзи билган ва кўрган воқеа-ҳодисаларини қоғозга туширишини илтимос қиладилар. Муҳаммад Мусо салаф (ўтган)лардан олган қарзини халаф (авлод)ларга бериш, яъни ёшларни ватанни англаш ва севишга ўргатишда ўзини масъул ҳисоблайди ва ишга киришади. Ватан тарихига оид илмий асарларни тўплайди, юртдан ҳижрат қилган ватандошлари билан узоқ суҳбатлар қуради.**

**Китобнинг сўнгида 28 илмий манба келтирилган. Улар орасида Мирхонднинг «Равзатус сафо»сидан Муҳаммад Жамилнинг «Ал-аъроб в ат-турки»гача, Карамзин, Якубовский асарларидан Заки Валидийнинг хотираларигача, Қози Абдурашид Иброҳимнинг «Олами ислом»идан 1896 — 1914 йил воқеаларига доир Буюкбритания ҳужжатларигача бор. Шунингдек, муаллиф Тоиф, Макка, Жадда, Мадина шаҳарларида яшаб турган ва хотираларидан истифода этган 29 ҳамшаҳарларининг рўйхатини келтиради.**

**Асарда тилга олинган воқеалар ва уларнинг талқини ҳам муҳим. Умумий бир тасаввур ҳосил қилиш учун айрим боблар номини келтирамиз: «Хоқон Амир Темурнинг Масковга ҳужуми», «Амир Эдикунинг Масков князи Василийга ёзғон хатининг таржимаси», «ўрус келди-ўрус!», «Асбоби сукут «Истило даври», «Русларнинг иддаолари», «Русларнинг кўчирма сиёсати», «Тилга истило», «Насронийлаштириш сиёсати», «Матбуот сиёсати», «Мустаршиқ Саблуковнинг Қуръони таржимасидаги ғалатлар», «Дукчи Эшоннинг хитоби», «Жадидлар», «Мардикор олди» фожиаси», «Хўқанд мухторияти ва қурилиши», «Мужоҳидлар», «Масковни ўюни», «Англизлар сиёсати» ва ҳоказо.**

**Тил бугунги ўзбек адабий тилидан анча фарқли, албатта. Матннинг илмий аҳамиятини ҳам кўзда тутиб, муаллифнинг ифода ва услубига дахл қилмадик.**

**Ҳикоя қилинган жуда кўп воқеалар жонли, таъсирчан. Муаллифнинг юксак ватанпарварлик ҳисси унга алоҳида жозиба бахш этади. Тўғри, Ватанни ташлаб ғурбатга кетишга мажбур бўлган муаллиф кечинмаларида алам гоҳо сезиларли даражада бўртиб туради. Айни пайтда айрим манзаралар рўйирост ифодаси билан ўқувчини даҳшатга солади. Чунончи, «Очарчилик» бобида 1919-20 йиллар, сўнг 1932—33 йилларнинг характерли воқеаларидан келтирилади. Аввало, бу кейинги қаҳатчиликнинг «сунъий», «планли» қилинганига алоҳида урғу берилади. Шу жиҳатдан, ошкоралик ва демократия йилларида рус матбуотида кенг ёритилган «очлик операцияси» нуқтаи назари билан мосдир. Иккинчидан, бу ерда жонли, ҳаётий лавҳалар анча-мунча ва кишини ларзага соладиган даражада: «Очлик ва қирғин бўлганича бўлди... Шу даражада бўлдики, одамлар одам гўштидан шўрва қилиб сотадурғон бўлди. Кўчаларда одамларни ўлуги ора-сира ётадур. Одамлар бир чеккадан ўтиб кетаверадур.**

**Бир кун бирини елкасида бир одамни сонини кўтарғон ҳолда икки соқчи ҳайдаб кеттани кўрулмишдур.**

**Қўлға тушмай, ҳар куни одам гўшти сотиб тириклик қилғонлар беҳисобдир. Бу очарчилик у қадар шиддатлик бўлдуки, бу оғирчилик тарихда кўрилмағондур...»**

**Асарда биргина ҳасратлик эмас, армонли лавҳалар ҳам кўп. Шулардан бири рус истилоси арафасидаги сустлик бўлса, иккинчиси, бу йил 80 йиллиги нишонланадиган Туркистон мухториятининг бой берилганлигидир. Дарвоқе, мухторият мудофаасига алоқадор Тошкентда юз берган фажеъ, айни пайтда ғоят кулгили воқеа қисқартирилган ҳолда диққатингизга ҳавола этилмоқда.**

**Б. ҚОСИМОВ,**
**М. ЭШМУҲАМЕДОВА**



**Герҳард БРАНСТНЕР (олмон адиби)**

АФОРИЗМЛАР...
ҲИКМАТЛИ СЎЗЛАР...
ИБРАТНОМА...

## АЁЛСИЗ ЭРКАК — ИДИШСИЗ ҚОПҚОҚ

Санъат асарини, худди уни ўзимиз яратганимиздек севган тақдиримиздагина, тўла тушунишимиз мумкин.

Ҳақиқат қайғули бўлиши мумкин, донолик эмас.

Қувноқлик жиддийликнинг инсондаги инъикосидир.

Қувноқлик моҳияти ижтимоий мазмунга эга. Ёлғиз кулаётган одам аҳмоқдир.

Кулги тез таъсир қилсагина санъат ҳисобланади.

Кимдаки юмор туйғуси бўлмаса, ҳазилга мойил бўлади, холос.

Инсоннинг қувноқлиги унинг аччиқланаётганидан эмас, балки аччиқланиши ҳам мумкинлигидан далолат беради.

Ҳаётий санъатнинг энг қадимий қоидаси шуки, бунда меъёрга эътибор бериб, ундан ошмасликкина эмас, балки уни тўлиғича адо этиш ҳам лозим бўлади.

Бахт—истак, имкон ва меъёрнинг мўътадиллигидир.

Оққўнгил эзмадан камгап алдоқчи афзал.

Ювинмаган одам артинмаса ҳам бўлаверади.

Тилёғламалилик (хушомад) — тиз чўккан тажовуздир.

Миннат қилинган камтарлик — манманликдир.

Анқов қинғир йўлда тўғри юрса, ғаламис тўғри йўлда қинғир юради.

Бирор иш юзасидан чиқарилган ҳукм шу ишни ҳар доим ҳам тавсифлай олмаслиги мумкин, аммо ҳукмфармони тўла тавсифлай олади.

Қилаётган ишинг сенга фақат жиддийлик эмас, қувонч ҳам келтирсин.

Агар иш сенга ҳузур бағишлагудек бўлса, шу ҳузурбахшлик самарага айланиши муқаррар.

Қадимда марҳумни дафн этаётиб, қабрига егулик ҳам қўйишаркан; бугунга келиб эса, марҳумни эсга олиш билан кифояланишяпти.

Умр бўйи — елиб-югурамиз, ҳаётимизнинг сўнгги соатларини эса пиёда юриб ўтказишга ҳам рози бўламиз.

Бирон-бир ишга киришишдан олдин худони эсга оламиз, бу эса дунёнинг бемаъни ишларидан тийилишимизда асқотади.

Ер юзида шайтон борки, осмонда худо ҳам мавжуддир.

Хотинининг гўзаллиги эркакда қониқиш ҳосил қилади, бундан ортиғига у тоқат қилолмайди.

Аёлсиз эркак — идишсиз қопқоқ.

Баъзилар шундай усталик билан хатога йўл қўядиларки, уларга кўп ҳолларда рози бўлиб қўя қоламиз, айрим кишилар эса шундай тўғрилик қиладиларки, уларга эътироз билдирмасликнинг иложи бўлмай қолади.

Баҳслашиш санъати шундай бўлсаки, у пировард натижада ҳамжиҳатликка олиб келсин.

Якдил фикр бўлмаган жойда баҳсга ҳам ўрин йўқ.

Вино олмоқчи бўлсанг, бижғишига тўсқинлик қилма.

Қайсар одам бўш қутичага ўхшайди, унга доим нимадир солиш керак.

Ҳар биримиз бир-бировимиздан бирор нимани ўрганишимиз табиийдир. Муҳим мунозаралар ўз вақтида бўлсагина, самара беради.

Баъзи одамлар қандай ўйласалар, шундай сўйлайдилар; бошқа бировлар қандай гапирсалар, шундай ўйлайдилар; айримлар эса, бошқалар қандай ўйласа, шундай сўйлайдилар.

Нотўғри фикр устидан куладиган одамлар унданда нотўғрироқ бўлган фикрларни тўғри деб ҳисоблайдилар.

Еб бўладиган қўзиқоринга ўхшаш заҳарлилари ҳам бўлганидек, чалкаштириб юбориш мумкин бўлган ҳақиқатга ўхшаш адашиш (хатолик)лар ҳам мавжуддир.

Ёлғоннинг оёғи калта. Бу дегани ҳақиқат ёғочоёқда юрсин дегани эмас.

Калта ақлдан калта шим афзал.

Қилмиши номақбул эканини ўғрининг ўзи ҳам билади.

**Немис тилидан Мирзаали АКБАРОВ таржимаси («Ҳандбух дер Ҳайтеркайт» китобидан).**

*Газетанинг навбатдаги сони 16 декабрда чиқади.*

МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Газета 136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г —0847.
Сотувда нархи эркин.
Ҳажми 2 босма табоқ.
*Саҳифаловчи: Холида Исломова*
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.

Манзилимиз: Тошкент-83,
Матбуотчилар кўчаси — 32.
Телефон 133-50-18.
«Шарқ» нашриёт-матбаа консерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

*Навбатчи — Холли НОРБОЕВ*